



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 13 декабрь, № 257-258 (7215-7216) Пайшанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ПЕНСИОНЕРЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Пенсионерларни ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган кенг қўламли ишловларда уларнинг салоҳияти, тажрибаси ва билимини тўлақонли жалб қилиш, пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, мазкур йўналишда халқаро тамойил ва стандартларни жорий этиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 1 январдан пенсияни ҳисоблашда қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори оширилишини ҳисобга олган ҳолда пенсиялар миқдори қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси 2019 йил 1 январдан пенсияни ҳисоблашда қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори оширилишини ҳисобга олган ҳолда пенсиялар миқдори қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.
4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоровга пенсиялар барча ишловчи пенсионерларга ўз вақтида тўлиқ миқдорда тўланишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юксалсин.
5. Мазкур Фармонини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки ой муддатда "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б. М. Мавлонов, Г. К. Саидовларга юксалсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ ТИЗИМЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертифицилаштириш ва метрология миллий тизимини янада ривожлантириш, тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш, соғлиқни сақлаш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 11 сентябрдаги ПҚ-3939-сонли қарорига мувофиқ:

(Давоми 2, 3-бетларда) >>>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

САНОАТ, РАДИАЦИЯ ВА ЯДРО ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА НАЗОРАТИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мамлакатдаги минерал-хом ашё ва қишлоқ ҳўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш учун замонавий технологияларни жалб этган ҳолда иқтисодиётни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш борасида кенг қўламли дастурларни изчил амалга ошириш етакчи тармоқлар, шу жумладан, энергетика, нефть ва газ, кон-металлургия ва кимё соҳаларини ривожлантиришнинг жадал суръатларини сақлаш имконини бермоқда.

Ўқилги-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш орқали, шу жумладан, атом энергетикасини ташкил этиш ҳисобидан республиканинг электр энергиясига нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, таҳлил ва ўрганиш натижалари хавфли ишлаб чиқариш объектларининг соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсати самарасизлиги ҳамда бу йўналишда методология ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун етарли эътибор мавжуд эмаслигидан далолат бермоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Харакатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги Маъмурий ислохотлар концепцияси вазирига мувофиқ,

самоат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳаларида бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда самарали давлат назоратини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, соҳаотда, қончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси ва унинг минтақавий инспекциялари негизда Ўзбекистон Республикаси Самоат хавфсизлиги давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Самоат хавфсизлиги давлат қўмитаси) ва унинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилсин.
2. Белгилаб қўйилсинки: Самоат хавфсизлиги давлат қўмитаси атом энергетикаси ва ядро технологиялари объектларида радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, хавфли ишлаб чиқариш объектларида самоат хавфсизлиги соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва назорат қилиш учун жавобгар бўлган ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади; Самоат хавфсизлиги давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилги-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия соҳати масалалари комплекси таркибига кирди.

(Давоми 2-бетда) >>>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Самоат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-5594-сонли Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Самоат хавфсизлиги давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Самоат хавфсизлиги давлат қўмитаси) таркибиде юридик шахс ташкил этмаган ҳолда: Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг умумий сони 71 штат бирлигидан иборат Радиация ва ядро хавфсизлиги департаменти; Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг умумий сони 5 штат бирлигидан иборат Ангрен кон-техника инспекцияси; "Олмалиқ КМК" АЖ маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Олмалиқ кон-техника инспекцияси; Қизилқум минтақавий инспекцияси негизда "Навоий КМК" ДК маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Қизилқум кон-техника инспекцияси ташкил этилсин.
2. Қуйидагилар Радиация ва ядро хавфсизлиги департаментининг асосий вазифалари этиб белгилансин: радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш; ионлаштирувчи нурланиш манбалари

муомалада бўлиш ва атом энергиясидан фойдаланиш борасидаги фаолиятни амалга оширишда радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида самарали давлат назорати ва текширувчи ташкил этиш ва таъминлаш;

назорати остидаги объектларда радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ядровий ва радиоактив материаллар билан ишлашда, атом энергиясидан фойдаланишда, ядровий материаллар, радиоактив моддалар, улар мавжуд бўлган радиоактив манбалар ва радиоактив чиқиндиларни қазиб олиш, қайта ишлаш, ташвиш, сақлаш, фойдаланиш, кўмиш ҳамда жисмоний ҳимоялаш ва ҳисобини юритишда радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш; атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш соҳасидаги халқаро шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Самоат хавфсизлиги давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-бетда) >>>

Эҳтиром

ИККИ ЭЛНИНГ СУЮКЛИ ФАРЗАНДИ

Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Пойтахтимизда Чингиз Айтматов номидаги кўча ва адибнинг барельефи очилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали тадбирда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи-шоирлар, санъат ва маданият намояндалари, ёшлар қатнашди.

Тантанали тадбирда буюк қирғиз адиби ҳамда давлат арбоби Чингиз Айтматов ҳаёти ва фаолияти катта мактаб, шунингдек, ибрат намунаси экани таъкидланди.

Халқимиз ёзувчи асарларини ўзгача меҳр ва қизиқиш билан ўқийди. Чунки улў адибнинг юртимизга, халқимизга бўлган муҳаббати, хурмати чексиз ҳамда буюк эди. Атоқли ижодкор минтақамиз тинчлиги ва осойишталиги, келажаги ҳамда равнақи, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, уларни турли зиддият ҳамда қарама-қаршиликлардан асраш йўлида фидокорона фаолият олиб борган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАШ ҲАМДА ЧАҚИРИЛУВЧИЛАРНИ ҲАРБИЙ-ТЕХНИК МУТАХАССИСЛИКЛАР Бўйича Тайёрлаш Тартибини Такомиллаштириш Бўйича ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Кейинги йилларда мамлакатимизда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш, маънан етув ва жисмонан соғлом шахсни камол топтириш соҳасида муайян ишлар амалга оширилди, спорт, шу жумладан, унинг техник ва амалий турлари билан шўғулланиш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, Қуролли Кучларни жиҳозлаш учун келтирилган замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар даражаси фан-техника тараққиёти ютуқларига теъор ва муносиб равишда эътибор қаратиш зарурлигини ҳамда чақирувга бўлган ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодини маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, унда мамлакат суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилиш бўйича бурч туйғусини шакллантириш борасидаги тадбирлар лозим даражада олиб борилмапти.

Спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор камчиликлар мавжуд, хусусан: спортнинг мазкур турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг пухта тизими йўлга қўйилмаган; спорт кадрларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими жорий этилмаган; тарма жамоаларни тайёрлаш ва мусобақалар ўтказиш учун спорт инфратузилмаси ва моддий-техника базаси етарли даражада ривожланмаган; аҳоли, айникса, ёш авлод ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш бўйича таъсирчан чоралар қўрилмапти.

Чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича ва фуқароларни оммавий техник касбларга сифатли тайёрлашни ташкил этиш, спортнинг техник ва амалий турларини янада ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодини маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича фаолиятни такомиллаштириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси мудоофасига қўмлашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши томонидан 1-иловага мувофиқ таълим муассасалари ва автодромларни уларнинг асосий воситалари, ўқув ва моддий-техника базаси билан биргаликда мулк қилиб давлатга бегараз бериш тўғрисида қарор қабул қилинган.

(Давоми 3-бетда) >>>

ЎЗБЕКИСТОННИ ДУНЁГА ЯНГИ ЖИҲАТДАН ТАНИТГАН, ОДАМЛАРГА КАТТА ИШОНЧ БАҒИШЛАГАН ИККИ ЙИЛ

Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган — шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам — шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз, биринчи навбатда, ким билан мулоқот қилишимиз керак — одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш тутушимиз керак — аввало, халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барақа бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади.

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидан

тилди. Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ҳамда маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, шу асосда ёшларни қомил инсон этиб тарбиялаш, юртимизда яшаётган турли миллат ва эллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ҳамда тотувлик муҳити, ўзаро хурмат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилиб, мазкур йўналишларда кенг қўламли ишлар олиб борилаётган. Иқтисодиётни ривожлантириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, илм-фан, таълим соҳасини ривож-

лантириш бўйича зарур чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ташқи сиёсат соҳасида хорижий давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратилди. Бунинг натижаси ўлароқ, ўтган қисқа вақт мобайнида Марказий Осиё минтақасида мулқо анги сиёсий муҳит яратишга эришилди. Ислохотларнинг ижобий самараларини бугун халқимиз ўз ҳаёти миқосида ҳис этмоқда. Ўзбекистон эришяётган ютуқ ва марралар халқаро миқёсда юксак эътироф қилинган.

Газетамизнинг 4, 5, 6-саҳифаларида шу мавзуга доир материаллар билан танишасиз.

2016 йил 14 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев ўз лавозимига расман киришган ушбу санадан бошлаб, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйилди. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривож-

лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси қабул қилинди. Мазкур ҳужжат моҳиятига кўра, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги тизимли ислохотларнинг "йўл харитаси"га айланди.

"Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ғоя асосида халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётини муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яра-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

САНОАТ, РАДИАЦИЯ ВА ЯДРО ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА
НАЗОРАТИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

3. Куйдагилар Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасининг асосий вазири ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин: атом энергетикаси ва ядро технологиялари объектларида радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноят хавфсизлиги соҳаларида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича ишни мувофиқлаштириш ва назоратни амалга ошириш; саноят, радиация ва ядро хавфсизлиги, ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги ҳамда истироҳат болғари аттракционларини эксплуатация қилиш борасидаги қонун ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувни амалга ошириш; саноят, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш борасида республикада ёқилғи-энергетика комплекси ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларини янада ривожлантириш бўйича стратегик режа ва дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш; атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида лицензиялаш, саноят, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат назорати органлари фаолиятини мувофиқлаштириш; саноят хавфсизлигини экспертизадан ва аккредитациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, атом энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ объектлар хавфсизлигини экспертиза қилишни ташкил этиш; саноят, радиация ва ядро хавфсизлиги, ер қаъридан

фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги ҳамда истироҳат болғари аттракционларини эксплуатация қилиш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; халқаро ва хорижий ташкилотлар билан мустақкам ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек, соҳа фаолиятига тааллуқли бўлган халқаро шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш; техника ва технологияларнинг жадал ривожланишини ҳисобга олган ҳолда саноят, радиация ва ядро хавфсизлиги, ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги соҳаларида фаолиятни амалга оширишчи мутахассисларнинг малакасини ошириш; 4. Белгилансинки: Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳўкимияти органлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳўсбланади; Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноятда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг ҳўқўқ ва мажбуриятлари бўйича ҳўқуқий вориси ҳўсбланади; Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

лавозимга тасдиқланади ва лавозимдан озод этилади; Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади; 5. Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйиладиган белгилансин; Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари; Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари; фаолият йўналиши бўйича, шу жумладан, Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси бўйсунувидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилган ишларни бажаришдан ва хизматлар кўрсатишдан тушуллар; жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия ҳўмийлик маблағлари; халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотлар грантлари; қонун ҳўжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар. 6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мўддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори лойиҳасини киритсин. 7. Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сонли қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ҳодимлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мўмкин бўлган давлат ҳўкимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, республика

аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатиغا киритилсин. 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатиغا 1-иловага мувофиқ ўзгартiriш ва қўшимча киритилсин. 9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳўжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин. 10. Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мўддатда қонун ҳўжатларига ўшбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартiriш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин. 11. Вазирлик ва идоралар бир ой мўддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳўқуқий ҳўжатларини ўшбу Фармонга мувофиқлаштирсин. 12. Ўшбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 12 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилган бошқарув ҳодимларининг умумий чекланган сони 122 штат бирлигидан иборат Ўзбекистон Республикаси Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ; Ўзбекистон Республикаси Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ; Радиация ва ядро хавфсизлиги департаменти тузилмаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 4. Белгилансинки, қўшимча киритиладиган: Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасининг 20 нафар бошқарув ҳодими штат бирлигини сақлаш давлат санитария-эпидемиология назорати марказларида штатлар сонини зарур миқдорда қисқартирган ҳолда уларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади; Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасининг 65 нафар бошқарув ҳодими штат бирлигини сақлаш 5-иловага мувофиқ график бўйича 2019 — 2028 йиллар мобайнида босқичма-босқич ажратиш орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. 5. Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси раисига: Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва Ангрэн кон-техника инспекцияси тузилмаларида бошқарув ҳодимларининг белгиланган штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартiriшлар киритиш; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш мақсадида экспертиза бўйича ишларни амалга ошириш учун хорижий иқтисослаштирилган институтлар ва компаниялар, шунингдек, хорижий мутахассис ва экспертларни жалб қилиш ҳўқуқи берилсин. 6. Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси Тошкент шаҳри, М-14, 27-уй манзили бўйича жойлашган маъмурий бино "А" блокнинг учинчи, тўртинчи, бешинчи қаватларида оператив бошқаруви ҳўқуқи асосида жойлаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мўддатда Ўзбекистон Республикаси Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси тўғрисидаги низомини тасдиқласин. 8. Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси икки ой мўддатда: Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва кон-техника инспекцияларини Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасига юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган, зарур назарий билимлар ва амалий қўникмаларга эга юқори малакали кадрлар билан тўдирилишини; Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасининг таркибий ва бўйсунувидаги бўлимлари тўғрисидаги низомлар (уставлар), шунингдек, ҳодимларнинг лавозим йўриқномалари тасдиқланишини таъминласин. 9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: 2018 йилда ўшбу қарорни амалга оширишда Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасининг ҳаражатлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағлар ажратсин ва 2019 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин; ўшбу қарор талабларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2018 йил учун тасдиқланган смета ҳаражатларига тегишли ўзгартiriшлар киритсин; Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасига 8 донa автотранспорт воситасини, шу жумладан, 4 донa махсус транспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратсин. 10. Белгилаб қўйилсинки: қуриладиган ва фойдаланиладиган атом энергетикаси объектлари ҳўлатининг доимий куну туни назоратини таъминлайдиган Радиация ва ядро хавфсизлиги департаменти ҳодимларининг жойлашуви бевосита шу объектларда амалга оширилади; ядровий объектлардан фойдаланувчи ташкилотлар ва атом энергетикаси объектларини қўрувчи дирекциялар томонидан Радиация ва ядро хавфсизлиги департаменти ҳодимларига яшashi ва юклатилган функцияларни бажариши учун зарур шартлар бегарас асосда таъминланади. 11. Белгилансинки, Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасининг мансабдор шахслари юклатилган функцияларга мувофиқ белгиланган тартибда қуйидаги ҳўқуқларга эга:

Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасининг назорати остидаги объектларга тўсқинликсиз кириш; хавфли ишлаб чиқариш объектлари саноят хавфсизлиги, радиация ва ядро хавфсизлиги, шунингдек, ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги талабларига риоя этилиши ҳўлати устидан назорат қилиш; саноят, радиация ва ядро хавфсизлиги талабларига риоя этмаган ҳолда олиб бориладиган ёки авария содир бўлишига олиб келиши мўмкин бўлган ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек, одамлар ҳаёти хавф остида қолганда ёки авария ҳўлатлари юзага келганда уларни иш жойларидан олиб чиқиш; ўз ваколатлари доирасида қонун ҳўжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳўжатлар талабларини бузганлик учун ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва жисмоний шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш. 12. 2019 йил 1 январдан бошлаб, шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси ҳодимларига Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳудудларида жойлашган назорати остидаги ташкилотлар ҳодимлари учун қонун ҳўжатларига мувофиқ белгиланган миқдорларда иш ҳақига тўма (ҳудудий) коэффициентлари сақланиб қўлинади; Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси ҳодимларига Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан узулсиз иш стажини (кўп йиллик хизмати) учун лавозим маошининг: 3 йилдан 5 йилгача — 20 фоизи, 5 йилдан 10 йилгача — 35 фоизи, 10 йилдан 15 йилгача — 50 фоизи, 15 йил ва ундан ортўқ — 60 фоизи миқдорига устамалар тўланади. 13. Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси саноят, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасидаги халқаро иқтисослаштирилган институтлар ва ташкилотларни жалб этган ҳолда халқаро талабларга мувофиқ мутахассисларни мазкур соҳаларда тизимли ўқитиш ва тайёрлашни ташкил қилсин. 14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасининг буюртмаларига кўра атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш мақсадида экспертиза бўйича ишларда иштирок этуви хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик ва бошқа

йигимларни ундирмаган ҳолда белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин. 15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасининг буюртмаларига кўра атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш мақсадида экспертиза бўйича ишларда иштирок этуви хорижий мутахассисларга давлат божи ундирмаган ҳолда белгиланган тартибда кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, вақтинчалик прописка қилиниши, яшаш жойи бўйича рўйхатга олинishi ва мўддати узайтирилишини таъминласин. 16. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Саноят хавфсизлиги давлат қўмитасининг буюртмаларига кўра атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш мақсадида экспертиза бўйича ишларда иштирок этуви хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини (узайтирилишини), шунингдек, мазкур чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳўқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) таъминласин. 17. Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мўддатда қонун ҳўжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартiriш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин. 18. Ўшбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 12 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ
ВА МЕТРОЛОГИЯ ТИЗИМЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва "Ўзстандарт" агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) 2019 йил 1 январдан қуйидагиларни назарда тутуви тартибни ўрнатиш тақлифлари маъмуллансин: Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ташкилоти (ILAC) ва Халқаро аккредитация қилиш форуми (IAF) тўлақонли аъзолари ҳисобланган давлатларнинг сертифицилаштириш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертифицикатлари ёки синов баённомалари тақдим этилганда устав капиталида давлат улushi 50 фоиздан кўп миқдорда бўлмаган тадбиркорлик субъектлари (эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари бундан мўстасно) ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган иқтисослашган ва қишлоқ ҳўжалиги техникаси, технологияси ускуналар ва уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, шунингдек, мажбурий сертифицикатларнинг лозим бўлган махсўлот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ноозик-овқат ҳам ашё, материаллар ва буюмлар мажбурий сертифицилаштиришдан озод қилинади; тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирадиган ўлчаш воситаларига мувофиқлик сертифицикатини тақдим этмаган ҳолда унн божона ҳўжатлари расмийлаштирилган кўндан бошлаб икки ой давомида ўрнатилган тартибда олиш шарти билан божона ҳўжатларини расмийлаштиришга йўл қўйилади; Миллий ўлчаш эталонлари ва миллий метрология институтлари томонидан берилмайдиган калибровка ва ўлчаш сертифицикатларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги келишувни (СІРМ МРА) имзолаган мамлакатларнинг Миллий метрология органлари томонидан расмийлаштирилган амалдаги калибровка (ёки текшириш) сертифицикатлари тақдим этилганда ўз эҳтиёжлари учун технология жараёнларида фойдаланиладиган импорт бўйича олиб кирадиган ўлчаш воситаларини метрологик аттестациялаш (турини тасдиқлаш) соддалаштирилган тартибда, бир кун мўддатда тан олиш тартиботлари йўли билан амалга оширилади. 2. Белгилаб қўйилсинки: мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган соддалаштирилган тартибда олиб кирадиган товарларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳўжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг мақсадли ишлатилишига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирадиган

тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари масъул ҳисобланади; мазкур қарорнинг 1-бандида кўзда тутилган соддалаштирилган тартиб, давлат божона хизмати органларига (шу жумладан, учинчи шахслар томонидан) товарлар уларни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кираётган тадбиркорлик субъекти томонидан уларни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун мақсадли ишлатилиши тўғрисидаги мажбуриятлари, шунингдек, ўрнатилган тартибда божона ҳўжатлари расмийлаштирилган кўндан бошлаб икки ой давомида ўлчаш воситаларини сертифицилаштириш амалга оширилиши кўзда тутилган қафолат хати тақдим этилиши шарти билан қўланади; давлат божона хизмати органлари, божона ҳўжатлари расмийлаштирилган кўндан сўнг уч кун мўддатда мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ соддалаштирилган тартибда олиб кирадиган товарлар импортни тўғрисида идораларо ахборот алмашинуви воситаси орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ва Агентликка маълумот тақдим этади; мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган соддалаштирилган тартибда олиб кирадиган товарлардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. 3. Сифат менежменти тизимларини жорий этган ва миллий аккредитация тизимида аккредитация қилинган синов лабораториялардан фойдаланадиган тадбиркорлик субъектларига улар томонидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган махсўлотнинг мувофиқлигини декларациялаш йўли билан тасдиқлаш ҳўқуқи берилсин. 4. Куйидагилар: 2019-2020 йилларда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертифицилаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" 1-иловага мувофиқ; 29 та умумий ва 13 та махсус техник регламентлар ишлаб чиқилишини кўзда тутадиган 2019 — 2021 йилларда техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури 2-иловага мувофиқ; уйғунлашув даражасини 47 фоизга етказишни назарда тутуви 2019 — 2021 йилларда стандартлаштириш соҳасидаги норматив ҳўжатларни халқаро талаблар билан уйғунлаштириш мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ; синов ва ўлчаш базасини такомиллаштириш бўйича лойиҳалар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Куйидагиларга шахсий жавобгарлик юклансин: Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Ариповга — "Йўл харитаси"да кўзда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатилиши учун; Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н. С. Отахоновга — Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурига ўз вақтида, тўлиқ ва самарали амалга оширилиши учун; Агентлик бош директори Д. Н. Саттаровага — стандартлаштириш бўйича норматив ҳўжатларнинг уйғунлашув даражасини белгиланган мақсадли кўрсаткичларга, шу жумладан, 2023 йилгача 80 фоизга етказиш, Агентлик тизими ташкилотларининг самарали ишлаши, республиканинг барча ҳудудларида синов лабораторияларини кенг тармоғини, шу жумладан, хусусий синов лабораториялари мавжуд бўлмаган жойларда давлат-хусусий шериклик асосида яратиш ва модернизация қилиши таъминлиши учун; Ўзбекистон Республикаси Давлат божона қўмитасининг раиси М. Б. Азимовга — чегара божона постларида назорат тартиботларини бажаришда санитария-эпидемиология, фитосанитария ва ветеринария назорати органлари фаолиятининг самарали ва оператив мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун. 6. Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари — мазкур қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган техник регламентларни ишлаб чиқувчилар бир ҳафта мўддатда эксперт кенгашларини шакллантирсин ва техник регламентлар ишлаб чиқиш бўйича тармок жадалларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин. 7. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 январдан: 5-иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ олиб кирадиган истеъмол товарларини мажбурий сертифицилаш фақат Агентлик тизимидаги сертифицилаштириш органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази томонидан, янгидан аккредитация қилинган бошқа сертифицилаштириш органлари томонидан амалга оширилади; мувофиқлик сертифицикатларини расмийлаштиришда такрорланувчи синовлар ўтказилиши тақиқланади ва сертифицикатларни беришда, идоровий бўйсунувдан қатъи назар, белгиланган тартибда аккредитация қилинган лабораториялар томонидан ўтказилган синовларнинг ижобий натижалари асос қилиб олинади. Агентлик ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази икки ой мўддатда сертифицилаштириш қодаларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг самарали механизмини ташкил этиш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин. 8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланмайдиган ҳамда мўнзаам янгиладиган санитария-эпидемиология ва фитосанитария вазияти номақбул бўлган давлатларнинг рўйхатига кирувчи мамлакатлардан санитария-эпидемиология ва фитосанитария назоратидан ўтказилиши лозим бўлган махсўлотларнинг олиб кирилиши тақиқлансин. 9. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда икки ой мўддатда санитария-эпидемиология, ветеринария ва фитосанитария назорати чегара хизматларининг фаолиятини танқидий ўрганиш натижалари бўйича улар томонидан назорат функцияларининг бажарилишини такомиллаштириш, самардорлиги ва тўзқорлигини ошириш юзасидан тақлифлар киритсин. 10. Ўзбекистон Республикасининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ техник регламентларга риоя этиш барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийлиги маълумот учун қабул қилинсин. Техник регламентлар амалга киритилиши билан мазкур техник регламентлар билан хавфсизлиги мажбурий талаблар қўйиладиган махсўлотларни сертифицилаштириш мажбурий тусга эга бўлиши белгилансин. 11. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаларини тутатган ҳолда "Ўзстандарт" агентлиги қошида Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертифицилаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) ташкил этилсин ва унга қуйидаги асосий вазифалар юклансин: Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертифицилаштириш ва метрология соҳасидаги қонунбузилишларининг олдини олиш ва профилактика қилиши амалга ошириш; Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертифицилаштириш ва метрология масалаларида тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТЕХНИК ЖИХАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ ТИЗИМЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1, 2-бетларда).

техник регламентлар, стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши, ўлчов бирликлари ягоналиги ва ишончилигини таъминлаш, мажбурий сертификатлаштириш қондалари талаблари бажарилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш.

Белгилансинки, Департамент юридик шахс ҳисобланади, унинг фаолияти устидан умумий раҳбарлик ва назорат Агентлик томонидан амалга оширилади.

12. Агентликнинг Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти ва "Ахборот-маълумот маркази" давлат корхонаси негизда "Ўзстандарт" агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти стандартлаштириш бўйича тармоқ техник қўмиталарининг фаолиятини мувофиқлаштириш, стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни, шу жумладан, шартнома асосида қўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ташкилотларнинг аризалари бўйича ишлаб чиқиш ва реализация қилиш, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича базавий ташкилот этиб белгилансин.

Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтининг ишчиликларига Ўзбекистон Республикаси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари бўйича ишчилар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўллансин.

Агентлик бир ой мuddатда Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Қуйидагилар:

"Ўзстандарт" агентлигининг ташкилий тузилмаси 6-иловага мувофиқ;

"Ўзстандарт" агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 7-иловага мувофиқ;

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаментининг тузилмаси 8-иловага мувофиқ;

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги инспекторлари чекланган сони 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони 153 нафар, шу жумладан, марказий аппарати — 69 нафар этиб белгилансин.

14. Агентлик Бош директориға қуйидаги ҳуқуқлар берилсин: зарурат бўлганда, бошқарув ходимларининг белгиланган штат сони доирасида Агентлик аппарати ва унинг қўйи ташкилотлари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

молиявий имкониятлардан келиб чиқиб, ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, қўйи ташкилотлар бошқарув ходимларининг чекланган сонини белгилаш;

вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар техник қўмиталарининг мутахассисларини, илгор лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасаларининг мутахассисларини жалб этиш, шунингдек, юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ҳамда уларға эркин айирбошланидиган валютада иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини белгилаш;

ўз хизмат мажбуриятларини виждонан ва самарали бажараётган, Агентлик ва Департаментнинг юқори малакали, ташаббускор ишчиларига Агентлик қошидаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ривожлантириш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг икки баравари миқдорига ҳўшимча қўйиш.

Агентликка сифатсиз ҳамда одамлар ҳаёти, саломатлиги,

юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфи мониторингини юритиш вазифаси юклансин.

15. Қуйидагилар Агентлик фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари этиб белгилансин:

Агентлик бўлиналари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини қоникрли баҳоловчи аризачилар, шунингдек, уларнинг хатти-харакатлари ва қарорлари устидан шикоятлар сони;

интерактив шаклда хизматлар кўрсатиш учун келиб тушаётган муросжатлар сони;

қабул қилинган ва қайта қўйиб чиқилган техник регламентлар ва стандартлар сони, шу жумладан, халқаро талаблари инобатга олган ҳолда;

сифатсиз ва хавфли бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфининг мониторинги бўйича ишлар натижадорлиги;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунбузилишларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш бўйича ишлар натижадорлиги.

16. Агентлик бир ой мuddатда қуйидагилар бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин:

идоранинг янги логотипи ва фарқлаш белгилари яратилишини кўзда тутган ҳолда имиджини яхшилаш;

кўрсатиладиган хизматлар даражасини ошириш мақсадида қўйи ташкилотлар фаолиятини баҳолаш амалиётини жорий этиш; самарадорлики баҳолаш натижалари, шу жумладан, коррупция омилларининг олдини олиш бўйича қўйиладиган чоралар тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ахборотларни тизимли ёритиб бориш.

17. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Марказий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа идораларнинг статистик ахборотлари мажбурий жўнатмалар реестрига киритилсин.

18. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда 2019 йил 1 апрелға қадар

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонунбузилиши учун жавобгарлиқнинг қучайтирилишини кўзда тутадиган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Агентлик ва бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда сифат миллий инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ-2935-сонли қарорига 10-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

21. Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишбу қарорға мувофиқлаштирсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б. М. Мавлонов ва Э. М. Фаниевлар зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 12 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАШ ҲАМДА ЧАҚИРИЛУВЧИЛАРНИ ҲАРБИЙ-ТЕХНИК МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги таълим муассасалари ва автодромлари уларнинг асосий воситалари, ўқув ва моддий-техника базаси билан бирга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида қабул қилиб олсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармалари (кейинги ўринларда — мудофаа ишлари бошқармалари) ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш марказларини** (кейинги ўринларда — Марказлар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки: Марказга Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади;

Марказ директори мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш (пул таъминоти) шартларига кўра мудофаа ишлари бошқармаси бошлигининг ўринбосарига тенглаштирилади;

Марказ фуқаро ходимларининг иш ҳақи мудофаа ишлари бошқармаларининг фуқаро ходимлари учун белгиланган тартиб ва меъёрларда тўланади;

Марказларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан таққинланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

мудофаа ишлари бошқармалари Марказларда тайёрларини, қайта тайёрларини ўтган ва малакасини оширган автоматотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг, шунингдек, оммавий техник касбларнинг бошқа мутахассисларининг ҳисобини юритади;

Марказлар фаолияти ташкил этилгунга қадар чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш амалдаги тартибга мувофиқ амалга оширилади.

4. Қуйидагилар:

а) Марказларга: автоматотранспорт воситаларининг ҳайдовчиларини, шунингдек, оммавий техник касбларнинг бошқа мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича жисмоний ва юридик шахсларга пуллик хизматлар кўрсатиш;

автоматотранспорт воситаларини ҳайдовчиларини, шунингдек, оммавий техник касбларнинг бошқа мутахассисларини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлиналарининг ўқув ва моддий-техника базасидан бегараз фойдаланиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига Марказларнинг пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган бўш маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштириш, кейинчалик улар бўйича тўланган фоизлардан: ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш фаолиятини амалга ошириш учун;

Марказларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг моддий-техника базасини куриш, таъмирлаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун фойдаланишга рухсат берилсин.

5. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси мудофаасига қўмақлашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти (кейинги ўринларда — "Ватанпарвар" МКТ) фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ёшлар ва фуқароларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат, меҳнатга масъулиятли муносабат, ҳарбий хизматга ҳурмат туйғулариини синдириш;

спортнинг техник ва амалий турлари ривожлантирилиши ва оммалаштирилишини таъминлаш, спорт ташкилотлари ва жамоалари фаолиятини қўмақлаш;

болалар, ўсмирлар ва чақирувгача бўлган ёшлар ўртасида оммавий спорт ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;

ёшлар ва фуқароларни мудофаа соҳасидаги бошланғич билимларға ўқитишда ва уларни ҳарбий хизматга тайёрлашда давлат ҳокимияти органларига қўмақлаш;

автоматотранспорт воситалари ҳайдовчиларини, шунингдек, оммавий техник касблар мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; шундай йўналишлар бўйича фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-3898-сонли қарори билан тузилган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини амалга ошириш бўйича республика идораларора комиссияси ва унинг ҳудудий комиссиялари зиммасига:

"Ватанпарвар" МКТга юкланган вазифаларни амалга оширишда унга яқиндан қўмақлаш;

ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни ташкил этиш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш бўйича ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини ўрганиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мажбуриятини юклансин.

7. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда — "Йўл харитаси") 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги "Ватанпарвар" МКТ билан биргаликда:

ёшлар орасида уларда ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат, меҳнатга масъулиятли муносабат, ҳарбий хизматга ҳурмат туйғулариини тарбиялаш, мамлакат суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилиш бўйича юксак бурч туйғусини шакллантириш борасидаги ишларни қучайтирсин;

ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган турли спорт ва бошқа тадбирларни, фестиваллар ва танловларни ташкил этиш ва ўтказишни кенгайтирсин;

замон талабларини ҳисобга олган ҳолда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда ёшлар ва фуқароларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш бўйича маънавий-маърифий ишларни амалга оширсин.

9. Қуйидагиларни назарда тутуви 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида спортнинг техник ва амалий турларини янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар дастури) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

спортнинг техник ва амалий турлари мураббийлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини жорий этиш;

миллий ва халқаро мусобақаларнинг голиб ва совриндорларини рағбатлантириш, шунингдек, спортнинг техник ва амалий турлари мураббийлари ва мутахассисларини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлашни қучайтириш;

спортнинг техник ва амалий турларининг замонавий моддий-техника ва ўқув-машқ базасини яратиш, шунингдек, спорт анжомлари ва ускуналарини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш, ёшларни секциялар ва тўғрақларға фаол жалб этиш, уларнинг оммабоплигини таъминлаш;

спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга инновацион технологияларни, шунингдек, спортчиларни тайёрлашнинг ўқув-машқ жараёнига илгор услубларни жорий этиш.

10. Белгилансинки, "Ватанпарвар" МКТ ҳузуридаги Республика техник ва амалий спорт турлари маркази спортнинг техник ва амалий турлари бўйича юқори малакали спортчиларни тайёрлайдиган муассаса ҳисобланиб, қуйидаги вазифаларни бажаради:

спортнинг техник ва амалий турлари билан шуғулланиш учун зарур спорт қўникмаларига эга иқтидорли ва истиқболли болаларни синчковлик билан танлаб олиш, уларда танланган спорт тури бўйича қобилиятни, спорт салоҳиятини, касбий қўникма ва маҳоратни ривожлантириш;

республиканинг терма жамоалари учун спорт захираси ва юқори тоифали спортчиларни тайёрлаш бўйича энг янги илмий-методик тавсиялар ҳамда утуқлар асосида ўқув-машқ жараёнини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш;

спорт захираси ва юқори тоифали спортчиларни тайёрлаш бўйича ўқув-машқ жараёнини ташкил этиш учун замонавий инфратузилмани ташкил этиш ҳамда малакали мураббийлар таркибини шакллантириш;

спортчилар ва мураббийларнинг касбий маҳоратини ошириш соҳасида мунтазам асосда тажриба алмашишни ташкил этиш орқали хорижий спорт муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари икки ой мuddатда "Ватанпарвар" МКТнинг техник ва амалий спорт турлари ҳудудий марказлари фаолиятини ташкил этиш учун бўш ётган биноларнинг текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишини таъминласин.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига умумий қабул квоталари доирасида спортнинг техник ва амалий турлари бўйича мутахассислар тайёрлаш учун квоталар кўзда тутилди;

автомобиль ва мотоцикл спорти, спортнинг авиамодел ва ракетамодел турлари ҳамда олимпия ўйинлари дастурига киритилган спортнинг техник ва амалий турлари бўйича республика мусобақаларида биринчи, халқаро мусобақаларда (Олимпия ўйинлари, Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионати ва Осиё чемпионатида) биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган академик лирицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва йумушталым мактабларининг битирувчилари тегишли олий таълим муассасаларига таълимнинг ишбу соҳадаги йўналишларига умумий қабул квоталари доирасида тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларисиз қабул қилинади.

13. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида шартнома асосида спортнинг техник ва амалий турлари бўйича спорт ташкилотларининг секция ва тўғрақлари мутахассислари ва ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари ташкил этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, "Ватанпарвар" МКТ ва Ўзбекистон Парашют спорти федерациясининг парашют спорти бўйича спорт секцияларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ўзбекистон Парашют спорти федерацияси ва "Ватанпарвар" МКТ билан биргаликда:

мамлакатда парашют спорти ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш, фуқароларнинг мазкур спорт турига қизиқшини шакллантириш чораларини кўрсин;

парашют спорти бўйича спорт секцияларининг авиация ва ҳаво-десант комплекслари, парашют тизимлари, анжомлар ва тренажерлар билан, шунингдек, ўқув-методик ва кўргазмалли қуроллар билан жиҳозланишини таъминласин;

"Ватанпарвар" МКТ марказлари ва таълим муассасалари негизида фуқаро ёшларни "парашютчи" мутахассислиги бўйича тайёрлашни ташкил этсин.

16. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги "Ватанпарвар" МКТ билан биргаликда бир ой мuddатда спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштиришнинг медиа-режисини тасдиқласин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

машхур спортчилар, мураббийлар ва мутахассислар иштирокида телекўрсатувлар тайёрлаш ва намойиш этиш, шунингдек, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантирувчи спорт федерациялари (уюшмалари) ва ташкилотларининг фаолиятини ёритиш;

социологик сўровлар ва тадқиқотлар, реклама кампаниялари ва ижтимоий лойиҳалар намойишини ўтказиш; телерадиоканалларда, жумладан, мазву бўйича студиядаги ва сайёр туркум телекўрсатув ва радиовэзирликлари, ток-шоу кўрсатувлари орқали спортнинг техник ва амалий турлари билан шуғулланиш масалалари бўйича кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш;

оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернет тармоғида ахборот материалларини жойлаштириш; спортнинг техник ва амалий турлари билан фаол шуғулланишга аҳолини жалб этиш учун парклар, оммавий дам олиш жойлари, сўқмоқлар, трасса ва йўлақлар имкониятларидан фойдаланиш.

17. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдухакимовга — юкланган вазифаларнинг лозим даражада бажарилиши бўйича вазирлик ва идораларни мувофиқлаштириш, шунингдек, ишбу қарорнинг бажарилишини мунтазам кўриб чиқиш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири А. А. Азизовга — чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликларга тайёрлаш марказлари фаолиятини лозим даражада ташкил этиш ва мамлакатда парашют спортини ривожлантириш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д. Х. Набиевга — спортнинг техник ва амалий турлари ривожлантирилишини лозим даражада мувофиқлаштириш, спортчиларнинг халқаро спорт мусобақаларида ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларида иштирок этишини таъминлаш, шунингдек, спорт ускуналари ва анжомларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга қўмақлашни юзасидан;


вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига — ишбу "Йўл харитаси" ва Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига — спортнинг техник ва амалий турлари бўйича иншоотларнинг узлуksиз ишлашини таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва лозим даражада жиҳозлаш юзасидан шахсан жавобгар эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида ишбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун, шу жумладан:

Марказларнинг ўқув муассасалари, автодромлари, ўқув ва моддий-техника базасини таъминлаш ва ривожлантиришга; "В

ЎЗБЕКИСТОННИ ДУНЁГА ЯНГИ ЖИҲАТДАН ТАНИТГАН,



Дональд ТРАМП, Америка Қўшма Штатлари Президенти:



— Ўтган 27 йил мобайнида бизнинг муносабатларимиз изчил ривожланди ва жорий йил май ойида Ўзбекистон Президентининг Оқ уйга тарихий ташрифи унинг энг юксак босқичи бўлди.

Мен Шавкат Мирзиёев билан учрашганимдан, минтақадаги умумий таҳдидларни ҳал қилиш учун стратегик шериклигимизга янги суръат бахш этиш имкониятидан мамнун бўлдим. Шунингдек, мамлакат раҳбарининг сиёсат, иқтисодиёт ва инсон ҳуқуқлари соҳаларида амалга ошираётган, Ўзбекистон халқининг равнақи ва фаровонлиги ҳамда тинч тараққиёт орқали гуллаб-яшнаши учун мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қиладиган кенг қўламли ислохотларини олқишлайман.

Биз шерикликда ўтган йилларимизга миннатдорлик билан назар ташлаймиз ҳамда истиқболда юзга келажак янги имкониятларни орзиқиб кутамиз.

Эммануэль МАКРОН, Франция Республикаси Президенти:

— Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона сиёсат, кенг қўламли ислохотлар нафақат аҳоли фаровонлигини ошириш, мамлакатнинг етакчи давлатлар сафига кириши, балки Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга ҳам хизмат қилляпти.

Кўп йиллар давомида ҳамкор бўлиб келаётган Франция ва Ўзбекистон муносабатлари янада ривожланиб бораётганини олқишлайман. Икки томонлама товар айирбошлаш ҳамми ортаётгани ва стратегик ҳамкорлигимиз диверсификация қилинаётгани баробарида, жорий йилда сиёсий мулоқотимиз янада мустақкамланди.




МУН Чжэ Ин, Корея Республикаси Президенти:



— Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида сиёсат, иқтисодиёт ва ижтимоий тараққиёт соҳаларида юксак эътирофга сазовор улкан ютуқларни қўлга киритди. Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ва салмоқли натижалар бераётган ислохотлар сиёсати алоҳида таҳсинга муносиб.

Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўз тараққиётида янги ва янада юксак марраларга эришишига ишончим комил. Мамлакатларимиз 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатганидан буён ишонч ва дўстлик тамойиллари асосида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантираётганидан хурсандман.

Эмомали РАҲМОН, Тожикистон Республикаси Президенти:



— Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати ҳамда мамлакат ҳаётининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларидаги муҳим янгиланишлар бугун ўз самараларини бериб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳам-жамиятидаги обрўсини муттасил юксалтирмоқда.

Ушбу муваффақиятлар яқин кўшни сифатида Ўзбекистон билан кўзлаб дўстлик ришталари орқали болганган Тожикистонни ҳам қувонтирмоқда.

Халқларимизни маданий-маънавий яқинлик, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш, тинч ва тотув яшашга интилиш, кўп асрлик дўстлик ва яқин қўшничиликка асосланган бебаҳо тажриба боғлаб туради.

Ўзбекистон билан муносабатлар Тожикистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Биз Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасидаги кўп қиррали шерикликнинг эзгу ва конструктив муҳитидан, шунингдек, ҳамкорлигимиз халқларимиз ва бутун минтақанинг туб манфаатлари йўлида изчил ривожланиб бораётганидан гоят мамнунмиз.

Биз ҳурматли Шавкат Мирзиёевнинг бу йўлдаги шахсий ҳиссасини юксак қадрлаймиз.



Владимир ПУТИН, Россия Федерацияси Президенти:



— Россияда дўст Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасида эришяётган ютуқлари, мамлакатининг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётгани мамнуният билан эътироф этилмоқда.

Давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яқин қўшничилик каби эзгу аъёнларга асосланган муносабатлар юксак даражага кўтарилган. Ишончим комил, биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан икки томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, шунингдек, минтақавий масалалар бўйича конструктив ҳамкорликни бундан буён ҳам фаол ривожлантираимиз. Бу халқларимиз манфаатларига тўлиқ жавоб беради ҳамда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги иштирокимизга ҳамроҳандир.

— Россияда дўст Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасида эришяётган ютуқлари, мамлакатининг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётгани мамнуният билан эътироф этилмоқда.

Давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яқин қўшничилик каби эзгу аъёнларга асосланган муносабатлар юксак даражага кўтарилган. Ишончим комил, биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан икки томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, шунингдек, минтақавий масалалар бўйича конструктив ҳамкорликни бундан буён ҳам фаол ривожлантираимиз. Бу халқларимиз манфаатларига тўлиқ жавоб беради ҳамда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги иштирокимизга ҳамроҳандир.

Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР, Германия Федератив Республикаси Президенти:

— Ўтган икки йилда Ўзбекистон катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ишонтириб айтаманки, Германия Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган ислохотлар ва модернизация жараёнини, жумладан, қўшни мамлакатлар билан алоқаларни мустақкамлаш бўйича сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Яқин ойларга режалаштирилган олий даражадаги ташрифлар турли соҳаларни қамраб олган икки томонлама муносабатларимизни янада мустақкамлаш учун яқин имконият бўлади.



Александр ЛУКАШЕНКО, Беларусь Республикаси Президенти:



— Шавкат Мирзиёев — Ўзбекистонни севадиган ва яқин биладиган, мамлакат учун жуда кўп эзгуликлар қилган инсон. У барча муаммони чўқур билади. Шу боис Президент сифатида иш бошлаганида унга ён-атрофдаги ҳолатнинг аслини билишга ҳолат йўқ эди. У ҳаммасини ичкаридан кўрди. У тезда ўзгаришди ва ҳамма соҳада муваффақиятларга эришляпти. Мен кўплай Президентларни кўрдим — ҳеч биримиз этилиб қолган муаммоларни бу қадар фаол ва тезда ҳал қилмаганимиз. Унга шунчаки қўйил. Мен бунини чин дилдан айтаяман. Биз аввалги йилларда кузатишган ҳамкорликдаги кечикишларни йўқ қилганимиз эришган энг яқин натижамиз бўлди. Мен Шавкат Мирзиёевга буларнинг ҳаммаси унинг хизмати эканлигини айтдим.

Биз Шавкат Мирзиёевни оддий дўстимиз сифатида эмас, балки биродаримиз, Беларусини жуда ҳурмат қиладиган инсон сифатида кутиб оламиз. Ана шундай хислатлари билан у мени доим қўйил қолдиради.

— Шавкат Мирзиёев — Ўзбекистонни севадиган ва яқин биладиган, мамлакат учун жуда кўп эзгуликлар қилган инсон. У барча муаммони чўқур билади. Шу боис Президент сифатида иш бошлаганида унга ён-атрофдаги ҳолатнинг аслини билишга ҳолат йўқ эди. У ҳаммасини ичкаридан кўрди. У тезда ўзгаришди ва ҳамма соҳада муваффақиятларга эришляпти. Мен кўплай Президентларни кўрдим — ҳеч биримиз этилиб қолган муаммоларни бу қадар фаол ва тезда ҳал қилмаганимиз. Унга шунчаки қўйил. Мен бунини чин дилдан айтаяман. Биз аввалги йилларда кузатишган ҳамкорликдаги кечикишларни йўқ қилганимиз эришган энг яқин натижамиз бўлди. Мен Шавкат Мирзиёевга буларнинг ҳаммаси унинг хизмати эканлигини айтдим.

Биз Шавкат Мирзиёевни оддий дўстимиз сифатида эмас, балки биродаримиз, Беларусини жуда ҳурмат қиладиган инсон сифатида кутиб оламиз. Ана шундай хислатлари билан у мени доим қўйил қолдиради.

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ, Туркменистон Президенти:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари саммити доирасида бўлиб ўтган учрашувимизни катта мамнуният билан эслаяман.

Ушанда очиклик ва ишонч муҳитида ўтган музокараларда Туркменистон — Ўзбекистон дўстлиги ва ҳамкорлигини янада ривожлантиришга бирдек интилишимиз яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик муносабатлари халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам мустақкамлашиб боришига қатъий ишонаман.



СИ Цзиньпин, Хитой Халқ Республикаси Раиси:



— Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда барқарор сиёсий муҳит кузатишмоқда, барча йўналишларда жадал ислохотлар амалга оширилмоқда, иқтисодий тараққиёт суръатлари тобора ортомоқда, бунинг натижасида аҳоли фаровонлиги муттасил ошмоқда, давлат қурилиши соҳасида муваффақиятлар қўлга киритилиб, мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи юксалмоқда. Хитой Ўзбекистоннинг яқин қўшниси, ишончли ҳамкори ва яқин дўсти сифатида буларнинг барчасидан гоят мамнун бўлмоқда.

Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келмоқдаман, Шавкат Мирзиёев билан ўртасидаги самимий ишчан муносабат ва шахсий дўстлигимизни юксак қадрлайман.

Хитой — Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мамлакатларимиз ва халқларимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида ривожлантиришда янги натижаларга эришиш учун саъй-ҳаракатларимизни Ўзбекистон етакчиси билан биргаликда сафарбар этишга тайёрман.

— Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда барқарор сиёсий муҳит кузатишмоқда, барча йўналишларда жадал ислохотлар амалга оширилмоқда, иқтисодий тараққиёт суръатлари тобора ортомоқда, бунинг натижасида аҳоли фаровонлиги муттасил ошмоқда, давлат қурилиши соҳасида муваффақиятлар қўлга киритилиб, мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи юксалмоқда. Хитой Ўзбекистоннинг яқин қўшниси, ишончли ҳамкори ва яқин дўсти сифатида буларнинг барчасидан гоят мамнун бўлмоқда.

Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келмоқдаман, Шавкат Мирзиёев билан ўртасидаги самимий ишчан муносабат ва шахсий дўстлигимизни юксак қадрлайман.

Хитой — Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мамлакатларимиз ва халқларимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида ривожлантиришда янги натижаларга эришиш учун саъй-ҳаракатларимизни Ўзбекистон етакчиси билан биргаликда сафарбар этишга тайёрман.

Режеп Таййип ЭРДҲҲОН, Туркия Республикаси Президенти:

— Қардошлик энг бебаҳо хазинадир. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида имзоланган Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бугунги кунимизда ҳам алоҳида аҳамиятга ҳамда маъно-мазмунга эга.

Қардошимиз ва дўстимиз деб билганимиз Ўзбекистоннинг, азиз қардошим Шавкат Мирзиёевнинг оқилона ва узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати туфайли эришяётган ютуқларини бутун дунё каби биз ҳам юқори баҳолаган ҳолда кузатыпмиз. Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши йўлида ғайрат ва фидокорлик билан қилаётган саъй-ҳаракатларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашда давом этамиз.


Мамлакатларимиз ўртасидаги мустақкам ҳамкорлик ва стратегик шериклик биргаликдаги саъй-ҳаракатимиз билан халқларимиз манфаати йўлида янада кучайишига ишончим комил.



Нурсултон НАЗАРБОВЕВ, Қозоғистон Республикаси Президенти:

— Ўзбекистонда жуда кўп ижобий ўзгаришлар юз бермоқда, деб бемалол айта оламиз. Афсуски, йиллар давомида иқтисодиётимиздаги муносабатларимиз ҳажми 5 фоиздан ошмади. Биз беҳуда кўп вақтни бой бердик. Ўзбекистон Қозоғистон бугунги Европа орқали сотиб олганини тасаввур қила олмасми? Шундай бўлган ҳам.

Чегаралар очик, боғжона ва иқтисодий алоқалар жуда фаол. Мен Ўзбекистоннинг келажагига катта ишонч билан қараётман. У ерда жуда кўп ўзгаришлар юз берди, иқтисодиёт ҳам, сиёсат ҳам либераллашди. Бироқ ҳаммасига бирдан эришиб бўлмайди. Вазият анча жиддий эди, амалдаги Президент, жаноб Шавкат Мирзиёев, менинг фикримча, тўри йўлда ва тўри муносабатларни ўрнатмоқда. Уйлашимча, келажақда бундан ҳам яқин бўлади.



Сооронбай ЖЭЭНБЕКОВ, Қирғизистон Республикаси Президенти:

— Ўзбекистон ҳақли равишда муваффақиятли ривожланаётган кўп миллатли демократик ҳуқуқий давлат ҳисобланади, халқаро майдонда катта обрў-эътиборга эга. Минтақавий ва халқаро миқёсдаги долзарб масалаларни ҳал этишга муҳим ҳисса қўшмоқда.

Қардош мамлакатларимиз 2017 йилда эришган сиёсий ҳамкорлик даражаси барча соҳалардаги ўзаро алоқаларни фаол ривожлантиришга хизмат қилиб, дўстлик ва яқин қўшничиликнинг юксак намунаси бўлди.

Савдо-иқтисодий шериклик икки томонлама ҳамкорликнинг алоҳида эътибор талаб қиладиган муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатларимиз чегараларини ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани ҳамда фуқароларимиз давлатларимиз ҳамхўрлигининг амалий натижаларини ўз ҳаётида сезаётгани қувонарлидир.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев дунёнинг турли давлатларига 30 га яқин олий даражадаги ташрифлар билан борди ҳамда нуфузли ташкилотларнинг саммитида қатнашди.

Кейинги икки йил ичида хоржий мамлакатлар Президентлари мамлакатимизга 16 та ташрифи амалга оширди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. Унда билдирилган таклифлар халқаро ҳамжамият томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Президентимиз ташаббусига кўра, илк бор Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашуви ташкил этилди.

Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги юқори даражадаги Тошкент конференцияси ўтказилди.

Юртбошимиз Хитойнинг Циндао шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 9н саккизинчи мажлисида иштирок этди.

БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун Траст фонди фаолияти йўлга қўйилди.

Сурур Адабиётни севган — миллатни севади

Бу йил Қозоғистонда “Ўзбекистон йили” деб эълон қилиниши халқаро аҳамиятга эга бўлган ҳодиса, дўстона муносабатларимиз мустақкамланаётганидан, қон-қардошлик ришталаримиз кучли маромга келаётганидан мурда берувчи хушхабардир. Бундан жуда қувондим.

Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов билан қалин дўст эдим. Ўзбек адабиётининг улкан намояндалари, улғу адиб Шароф Рашидов, оташқалб инсон Одиб Ёқубов, кўпни кўрган оқсоқол Комил Яшин билан бир неча бор суҳбатда бўлганман, уларнинг донишмандона фикрларидан завқ олганман.

Ҳозир Ўзбекистон адабий муҳитида улкан ўзгаришлар содир бўляпти. Президент Шавкат Мирзиёев — адабиётни севадиган инсон. У киши Ёзувчилар уюшмасига улкан қосона қуриб берди, ёзувчилар хийбонини яратди, ёш ижодкорларни уй билан таъминлади. Яқинда Қирғизистонда Чингиз Айтматовнинг 90 йиллиги муносабати билан телевидениедаги чиқишимда Шавкат Мирзиёевнинг адабиёт вақилларига бу гамхўрликларини ўзаро ибрат қилиб кўрсатдим. Ижодкорларга бундай гамхўрлик нақадар зарурлигини жуда яқин тушунаман. Шерларини Ўзбекистонда тез-тез чоп этилишини мамнунман.

Инсон ўз миллатининг кичик кўри-нишидир. Атрофимиздаги одамларнинг бизга берган баҳоси аслида миллатимизга ҳам берилган баҳодир. Шундай экан, ўз миллатининг улғуламоқчи бўлсанг, аввало, ўзинг улғу бўлиш қоида-қоидага амал қил. Бунинг мамлакат етакчилари ҳам билишлари керак: биз иқтидорларни етиштирар эканмиз, уларнинг эзгу ишларига йўл очар эканмиз, бурчак-бурчакдаги жоҳиллик ва алмаздалик ўз-ўзидан камаяверади. Биз — буюк инсонлар фарзандларимиз, дейишнинг ўзи билангина инсон буюк бўлиб қолмайди. Буюк миллатнинг фарзанди бўлиш учун инсоннинг ўзи буюк бўлишга интилиши керак.


Машҳур ёзувчиларнинг пайдо бўлиши — ўта мушкул ҳодиса. Бир созу, бир дўмбира билан маданият яратиб бўлмайди. Дўмбира ақли чарчламайди. Адабиёт эва ақли чарчлайди, юракларга кун-қувват, маънавий озуқа беради. Ўзбек халқи ҳам, қозоқ халқи ҳам бутун дунё халқлари маданияти ва маънавияти туташадиган улкан кенгликда жойлашган, Ер юзи халқларининг урф-одатлари, яшаш тарзидан хабардор, оғоҳ халқлардир. Бундан хавотирланмаслик керак. Оғоҳ бўлиш, бу — фақат яхшиликкадир. Бу ерда битта қонунга амал қилиш керак: Ёзуғимизни йўқотмасдан, узагаларнинг яқини фази-латларини ўрганиш ва ўзлаштиришимиз лозим.

Ўлжас СУЛТАЙМОНОВ, Қозоғистон халқ шoirи, Қозоғистон Меҳнат Қаҳрамони.

ОДАМЛАРГА КАТТА ИШОНЧ БАҒИШЛАГАН ИККИ ЙИЛ



Нарендра МОДИ, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири:



— Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик ва яқин муносабатлар пойдевори бизнинг умумий тарихимиз ҳамда маданиятимизга бориб тақалади. "Мехмон", "дўст" ва "азиз" сингари кўпга сўзлар мамлакатларимизда бирдек қўлланилади. Бу шунчаки тилларимизнинг яқинлиги эмас, балки қалб ва ҳис-туйғуларимизнинг уйғунлигида ҳамдир. Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар пойдевори мустақкам ўрнатилганидан фахрланаман ва бахтиёрман.

Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг тарихий алоқаларини чуқурлаштириш ҳамда стратегик шерикликни мустақкамлаш йўлидаги қарашлари узоқ муддат давом этади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг дадил қадами ва амалга ошираётган ислохотлари туфайли Ўзбекистон эскича қарашлардан воз кечиб, замонавийликка қараб интиляпти. Бу мамлакат раҳбарининг етакчилик ва узоқни кўра билиш қобилияти натижасидир. Буни тўла оқшилайман ва муваффақиятлар тилайман.

Абдулфаттоҳ ас-СИСИ, Миср Республикаси Президенти:



— Муносабатларимизни янада мустақкамлаш дўстлик туйғуларимиз билан ҳамбарчас боғлиқ. Шу маънода, жорий йилда Ўзбекистонга амалга оширган ташрифим бир қанча шартномалар имзоланиши, шунингдек, ўзбек халқининг самимий меҳмондўстлиги билан менда яхши хотиралар қолдири.

Мазкур ташриф икки буюк давлат ва икки қадрдон халқ ўртасида муносиб яқинликни ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Ўзбекистонда иқтисодий йўналишда олиб борилаётган ислохотлар бўйича тажриба алмашиш фойдалуви. Шунингдек, биз икки мамлакат ўртасида сайёҳликни ривожлантириш ва маданий алмашинувни изчил йўлга қўямиз.

Антониу ГУТЕРРИШ, БМТ Бош котиби:



— Мен Ўзбекистон Президентининг Траст фондини ташкил этишдаги ташаббусини юқори баҳолайман ва донорларни фонд фаолиятини молиялаштиришда фаол иштирок этишга чакирман. Ишончим комилки, Оролбуйи худудига Барқарор тараққиёт соҳасидаги мақсадларни илгари суриш маҳаллий аҳолига некинлик улашириб, муносиб турмуш шартларини тиклашга ёрдам беради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фонд олдида мақсадларни тўла рўйга чиқаришда кенг жамоатчиликни жалб қилиш учун барча сайёҳаракатларни амалга оширади.

Бинали ЙИЛДИРИМ, Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси:

— Ўзбекистон раҳбари ҳурматли Шавкат Мирзиёев жуда муҳим ислохотлар дастурини амалга оширмоқда. Биз буни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз ва юқори баҳолаймиз.

Мамлакатингиз етакчиси Президент сифатида фаолиятини бошлаган дастлабки кунларданок, Ўзбекистоннинг дунёга очилишини таъминлаш, иқтисодий, аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида жиддий қарорлар қабул қилди. Ана шундай сайёҳаракатларнинг самараси сифатида, жумладан, Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги алоқалар ҳам мустақкамлашиб бормоқда.

Асосий мақсадимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати билан Туркия Буюк миллат мажлиси ўртасида ўзаро мулоқотни янада жонлантириш, қонунчилик соҳасида билим ва тажриба алмашинувни кучайтиришдир. Бунда, албатта, Туркия Республикаси Буюк миллат мажлисидаги "Туркия — Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳлари муҳим ўрин тутаяди.




Федерика МОГЕРИНИ, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили — Европа Комиссияси вице-президенти:



— Ўзбекистонга бир йил ичида икки марта ташриф буюриб, мамлакатда амалга оширилаётган кўламли ислохотлар ҳамда Ўзбекистоннинг минтақавий тараққиётдаги конструктив ролига шахсан гувоҳ бўлдим.

Биз Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги кенг қамровли ўзаро муносабатларга содиқ эканлигимизни қатъий намоён этмоқдамиз.


Уилбур РОСС, АҚШ савдо вазири:



— Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислохотлар ҳамда улarga халқнинг хайрихоҳлиги диққатга сазовор. Ушбу янгиланишлар мамлакатда ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитнинг яхшиланишида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бу, албатта, барқарор тараққиётга хизмат қилиб, нафақат Ўзбекистон, балки минтақа учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Давлатларимиз ўртасида бизнес имкониятларини кенгайтиришга АҚШ ҳукумати ҳам катта қизиқиш билдираётганини таъкидлаш жоиз. Маълумки, йил май ойида АҚШга расмий ташриф билан борди. Президент Дональд Трамп билан учрашди. Ана шу тадбирларда мен ҳам иштирок этганимдан бахтиёрман.


Пан Ги МУН, БМТнинг собиқ Бош котиби, Яшил тараққиёт глобал институти ассамблеяси ва Халқаро олимпия қўмитаси Этика бўйича комиссияси раҳбари:



— Биз Ўзбекистон Президентининг мамлакатда кенг миқёсда ислохот ва янгиланишлар дастурини бошлаш бўйича ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг қўшни Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қўшаётган ҳиссасини юксак қадрлайди. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан афғон масаласига бағишланган икки нуфузли халқаро форум ташкил этилгани бунга тасдиқлайди. Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан чегарага оид масалаларни ҳал этиш борасидаги дипломатик сайёҳаракатлари ҳам эътиборга молик.

Жим Ёнг КИМ, Жаҳон банки президенти:




— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил май ойида Вашингтонга ташрифи давомида бўлиб ўтган самарали учрашувдан буён биз ўзаро ҳамкорликнинг кўпга йўналишлари бўйича сезиларли муваффақиятларга эришдик.

Жаҳон банки гуруҳи экспертлари Ўзбекистон ҳукуматида энг муҳим масалалар, жумладан, энергетика тармоғини ислох қилиш, солиқ ва савдо сиёсатини такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, мактабга таълимни ривожлантириш, Иқтисодий кенгаши ташкил этиш ва бошқа соҳалар бўйича кўмаклашиш мақсадида мамлакатингизга мунтазам равишда ташриф буюрмоқда.

Мен Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг суръати, миқёси ва катталигини хануз чуқур таассуротдаман.

Наталья ГЕРМАН, БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари:



— Сўнгги икки йилда Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик ривожланишининг янги босқичига кўтарилди. Давлатлар, ҳукуматлар раҳбарлари, ташқи ишлар вазири ва бошқа вакилларнинг амалга ошираётган ташрифлари самарали бўлаётди. Ана шу учрашувлар чоғида давлат чегараларини демаркация ва делимитация қилиш, товар айланмаси ҳажмини ошириш, савдога йўлга қўйиш каби ўта долзарб масалалар ҳал этилиб, стратегик шериклик тўғрисидаги шартномалар имзоланмоқда. Бу минтақанинг кўп миллионли аҳолиси ҳаёти анча яхшиланади, ижтимоий, иқтисодий ва маданий жараянлар такомиллашиб бораётганини аниқлатади.

Кейинги вақтларда Ўзбекистонга жуда кўп мартаба ташриф буюрдим ва бу ерда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан яхши хабардорман. Давлат ва ҳукумат бошқарувида кўпга аёллар фаолият олиб бораётгани, айниқса, парламентда сенатор ва депутат аёллар мамлакат келахаги, тараққиётга оид муҳим қонунларни қабул қилишда фаол иштирок этаётгани диққатга сазовор. Маҳаллий бошқарув органларида ҳам уларнинг иштироки анча кучайган. Бу эса Ўзбекистонда мазкур йўналишда тўғри ва оқилона сиёсат олиб борилаётганидан далолат беради.

Ижтимоий тармоқларда Instagram

«Instagram»да энг машҳур сиёсатчилардан бири

"BCW" (Burson Cohn & Wolfe) халқаро пиар-агентлиги "Дунё етакчилари Instagramда" номи тадқиқоти натижаларини эълон қилди. Унда 426 та расмий давлат аккаунти таққослаб кўрилган. Ўзбекистондан мазкур тадқиқотда Президентимизнинг расмий саҳифаси ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев "Instagram" ижтимоий тармоғидаги саҳифасига аъзолар сони бўйича собиқ иттифок худудидagi сиёсатчилар ичида етакчилардан бири экани маълум бўлди. Юртбошимиз аккаунти 2-ўринда қайд этилган. Тахлил ўтказилган вақтда

ушбу аккаунтни кузатиб борувчи ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари сони 831,7 минггача ташкил қилган бўлса, ҳозир 1 миллиондан ошиб кетган.

Ўзбекистон раҳбари аккаунти бу борада Буюк Британия Бош вазири Тереза Мей (103 минг), Германия канцлери Ангела Меркель (772 минг), Сингапур Бош вазири Ли Сяньлун (358 минг)дан ўзиб кетган.

Ҳамдўстлик худудида Россия Бош вазири Дмитрий Медведев 2,91 миллион аъзо билан биринчи ўринда турибди. Дастлабки учликни Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев (236,7 мингта фойдаланувчи) якунлаб берган.

Кэролин ЛЭММ, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси, "Дўстлик" ордени соҳибаси:

— Бугун Ўзбекистонда бизнес ва тadbиркорликни рағбатлантириш, коррупцияга қарши курашиш, аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўпга сайёҳаракатлар олиб бориляпти. Айни шу жиҳатлар мамлакатда чет эл инвестициясини жалб этишда муҳим ўрин тутаяди.

Ўзбекистон Президентининг тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш сиёсатини оқшилаймиз. Шавкат Мирзиёев икки мамлакат фуқаролари учун бизнес сектори келтириши мумкин бўлган фойдани тўшуниб турибди. Президент бизнесни ҳимоя қилаяпти, бизнесга ёрдам берапти ва Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлик қилишга интиляпти. Бундан мамнунимиз.



Санъат Мақом элларни бирлаштиради

Бошқа мамлакатда яшаётганимга чорак асрдан ошибди. Лекин Ўзбекистон — ҳамиша юрагимда. Бу табарруқ юртга муҳаббатим чексиз.

Чунки шу заминда киндик қоним тўкилган. Шаҳрисабзда туғилиб, воёга етдим. Меҳр, эътибор топдим. Ўзбек халқ мақомларига мафтун бўлдим. Онам айтган дилбар қўшиқлар мени санъат кўча-сига бошлади. Уша сехрли оҳанглари мени ҳали-хануз ўзига оҳанрабодай чорлаб турди.

Халқимиз — санъатсевар. Ватандошларимиз ҳозиргача бир вақтлар ижро этган "Шашмақом", "Қурбон ўлам", "Самарқанд ушшоғи" каби ашулаларимизни севиб тинглашини айтишганида,

қувончдан тўлқинланиб кетаман.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев шу йилнинг май ойида Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи доирасида мени "Ўзбекистон Республикаси халқ артисти" фахрий унвони билан тақдирлади. Тўғриси айтсам, ушанда хурсандлигимдан кўзларимда ёш келди. Бошим осмонга етди.

Ҳозир АҚШда "Шашмақом" академиясини очиб, юзга яқин истеъдодли ёшларга ушбу нодир санъат сир-асрорларидан сабоқ

Барча эзгуликлар дўстликни мустақкамлашдан бошланади

Исмимиздан ҳам, жисимиздан ҳам ҳеч ким бизни бир-биримиздан ажрата олмайди. Ҳазрат Алишер Навоий бир тожикча газалида ёрни "чашмони туркича мўжони тожикона", яъни "кўзларни турккона киприклари тожикона", деб беҳиз таърифламаган.

Улуғ шоирнинг бу сўзларини эслаганимнинг боиси бор. Икки халқ ўртасидаги дўстликни мустақкамлашда Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийнинг ўрни беқиёс бўлган. Аждодларимиз асос солган ушбу анъанага биз ҳаминча содиқ бўлишимиз керак. Шу маънода, бугун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

Ота-боболаримиз топиб айтганидек, икки халқнинг йилгаси, қайғуси бир, куйласа, чолғуси бир. Тарихдан маълумки, минг-минг йиллардан буён халқларимиз ўзаро қондош ва ёндош бўлиб, қуда-анда тутиниб, асрлар юқини бирга тортган. Биз бир дарёдан сув ичамиз, бир далада экин екамиз.

Минтақада жойлашган мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни мустақкамлаш борасидаги ташаббуслари таъсирга сазовор. Бундай эзгу сайёҳаракатлар самараси туфайли бир неча соҳада ҳамкорлик қилинмоқда.

Дунёда мамлакатлар кўп, халқлар ҳам турли-туман. Улар гарчи айро тилларда сўзлашса-да, кўп асрлик умумий тарих, маданий-маънавий муштараклик элларни, дилларни боғловчи муҳим омили бўлиб қолган. Хусусан, ўзбек ва тожик халқларининг ўхшаш урф-одат ҳамда санъати ана шундай маданий мулоқот шакллари-ни топиш, ютуқлар алмашишга имкон

Жўрабек МУРОДОВ,
Тожикiston халқ артисти.

анъаналарини тарғиб қилиш, уни асраб-авайлаш ҳамда янада ривожлантириш, тили, маданияти, урф-одатлари турлича бўлган миллат ва элатларни санъат воситасида бирлаштириш, эзгуликка даъват этишга хизмат қилади.

Ибро МИЛАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ артисти.

ЎЗБЕКИСТОННИ ДУНЁГА ЯНГИ ЖИҲАТДАН ТАНИТГАН, ОДАМЛАРГА КАТТА ИШОНЧ БАҒИШЛАГАН ИККИ ЙИЛ

Эътироф

Инсон қадри улуғ



Президентнинг виртуал қабулхонаси ҳамда Халқ қабулхоналарига шу вақтгача келиб тушган мурожаатлар сони **2 441 822** тани ташкил қилди. Улардан **2 381 514** таси кўриб чиқилди.



Бугунги кунгача қишлоқларда **46** минг **550** оила янги хонадонларга кўчиб кирди. Бугун мамлакатимизни қамраб олган «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида **416** та қишлоқ ҳамда **105** та маҳаллада қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадал давом этмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг эркин конвертацияга доир Фармони иқтисодиётда дарҳол ижобий эффект берди.



Президентимиз фармонларига асосан, шу пайтгача **3388** киши Ўзбекистон Республикасини фуқаролигига қабул қилинди.



Йилига **8,1** миллиард куб метр газни қайта ишлаш қувватига эга Қандим газни қайта ишлаш заводида **2 000**дан ортиқ доимий иш ўрни яратилди.



Янги Солиқ концепцияси қабул қилинди ва солиқ ставкалари кескин пасайтирилмоқда.



Узоқ йиллар одамларнинг овозгарчиликларига сабаб бўлган ички постлар олиб ташланди.

«Шавкат Мирзиёев сиёсий ва иқтисодий ислохотлар тарафдори эканини сўзда эмас, амалда намоён қилмоқда»

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасида кечаётган кенг кўламли ўзгаришлар жараёни хориждаги эксперт-таҳлил доираларининг диққат-марказида бўлиб турибди.

Масалан, Берлиндаги «Bertelsmann Stiftung» таҳлилий маркази «Ўзбекистондаги ўзгаришлар индекси»ни эълон қилди. Унда юртимизда 2016 йил 4 декабрь, яъни

BertelsmannStiftung

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президентини лавозимига сайланганидан сўнг ўтган даврда амалга оширилган ислохотлар ва ўзгаришлар жараёнига эксперт муносабати берилди.

Индекс уч асосий йўналишни ўз ичига олиб, булар «сиёсий трансформация», «давлат бошқаруви» ва «иқтисодий трансформация»дир. Немис таҳлилчилари Ўзбекистонда мазкур уч йўналишда ҳам улкан ислохотлар ҳаётида таътилганини эътироф қиладилар. Дунёда ва минтақада ниҳоятда мураккаб вазият ҳукм сураётган бир пайтда республика ички барқарорлигини сақлаб қолган ҳолда ички тизимни изчил тарзда такомиллаштириётгани юқори баҳоланади.

«Шавкат Мирзиёев ички сиёсатда халқ

билан бевосита мулоқотга, ташқи сиёсатда эса қўшнилар билан дўстона муносабат тамойилига амал қилмоқда», дейилади таҳлилий марказ тарқатган хабарда.

Лондонда жойлашган Халқаро стратегик тадқиқотлар институти (International Institute for Strategic Studies) «Ўзбекистондаги ислохотлар» номи махсус таҳлилий маърузани чоп этди.

Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев сиёсий ва иқтисодий ислохотлар тарафдори эканлигини сўзда эмас, амалда намоён қилмоқда, дейилади маърузада. Республикада сиёсий очикликнинг таъминланishi ва иқтисодий модернизация унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатаётди. Биринчи навбатда, ёшлар учун сифатли таълим ва муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу ислохотлардан қўзланган мақсадларга эришса, Ўзбекистон дунёнинг бошқа

ривожланаётган мамлакатлари учун «позиitiv модель» сифатида хизмат қилади.

Хитойнинг «Dentons» халқаро тадқиқотлар маркази «Ўзбекистондаги ислохотлар: сармоя киритиш вақти келди» (Reforms

in Uzbekistan: Time to invest) номи таҳлилий маърузани чоп этди.

Хитойлик тадқиқотчилар юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий либераллаштириш дастури стратегик муҳим аҳамиятга эгалиги ҳақида фикр билдирадilar. Жумладан, пул-кредит сиёсатининг такомиллаштирилиши, замонавий бозор механизми кенг жорий қилиниши иқтисодчилар томонидан ижобий баҳоланади.

Ташқи савдо йўлидаги тўсиқлар бартараф этилиши, сармоялар учун қулай шарт-шароитлар яратилиши эса республиканинг инвестициявий салоҳиятини тўлалигича рўбга чиқаришга ва миллий иқтисодиётга хориж капиталини жалб қилишга имкон беради. «Солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича жорий қилинаётган янгиликлар маҳаллий ва хорижий тадбиркорларга

қўшимча қулайликлар яратишига умид қиламиз», дейилади маърузада.

Стокгольмдаги Хавфсизлик ва ривожланиш сиёсати институти (Institute for Security & Development Policy) эксперти Энтони Боуэр:

— Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари лавозимини эгаллаганидан сўнг ўтган қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонда кўплаб соҳаларда тўб ўзгаришлар содир бўлди.

Хусусан, қарорлар қабул қилиниши жараёнининг шаффофлиги ошди, фуқаролик жамияти фаоллашди, сиёсий рақобат ва фикрлар хилмахиллиги кўллаб-қувватланмоқда, инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик эркинликлари бўйича янги ёндашувлар амал қилинаптир. Президент тақлиф этган ислохотлар дастури мамлакат ва минтақа сиёсий ландшафтини ўзгартириб, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда фундаментал силжияшларга олиб келяпти.

Умуман, мазкур ислохотлар ўттиз уч миллиондан ортиқ аҳолига эга улкан мамлакат бўлиши Ўзбекистоннинг йиллар мобайнида фойдаланилмаган имкониятларини юзга чиқариш ва улардан бугунги глобаллашув даврида давлат тараққиёти, фуқаролар фаровонлиги йўлида фойдаланишига қаратилган.

Анвар МИРЗИЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Дил сўзи

Президентимиз қадами қутлуғ эканини ўшанда сезган эдим

2017 йилнинг 10 феврари. Бу кун сира эсимдан чиқмайди.

Хонадонимизга Президентимиз Шавкат Мирзиёев кириб келди. Кулиб турган чехларига қараб, саломлашдим-у, очиги, бир зумга қараётган қолдим. «Тушимми ё ўнгимми?» дейман ўзимга ўзим. Ахир мендек оддий бир фуқаронинг уйига мамлакат раҳбарининг ташриф буюриши хаёлга ҳам сиғмасди-да. Кейин билсам ўшанда Шавкат Мирмонович Сурхондарёда қилинаётган ишлар, одамлар ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида ташриф буюриб, бизнинг хонадонга ҳам кирган эканлар.



Илк учрашувдаёқ, бу инсонга нисбатан меҳрим, хурматим минг чандон ошди. Ўзаро суҳбат чоғида давлатимиз раҳбарининг ниҳоятда самимий, чехраси очик, шижоатли, куч-ғайратга тўла эканини, катта ишларга қодирлигини англаб етгандим. Бу инсоннинг хонадонимизга эмас, балки юртимизга қадами қутлуғ келганини ўшанда ҳис қилгандим.

Мана, орадан икки йил вақт ўтди. Қаранг, қанча ижобий ишлар бўлди. Энг аввало, оддий одамлар ҳаётига катта эътибор қаратилди. Йиғилиб қолган муаммоларни бирма-бир ҳал этиляпти. Шуларни кўриб, бу инсон элга қайишадиган етакчи эканини дилдан ҳис қилдик.

Ҳозир 86 ёшдаман. Президентимиз билан учрашув умримга умр қўшгандек бўлди. Юртбошимиз совға қилган «Сартива»ни ўзим минияпман. Кайфиятим зўр.

Доим маҳалладошлар орасидан. Армоним йўқ, 10 нафар фарзандни тарбиялаб, касб-хунарли қилиб, элга қўшдим. 25 неварам, 20 чеварам бор. Жудаям бахтлиман.

Давлатимиз раҳбари хонадонимизга келиб-кетганларидан кейин шукрона тўйини ўтказдик. Уч қиз набирамни узатдик. Рўзгоримизга янада файз киргандек бўлди...

Ўтган йили Президентимиз Фармонига асосан, «Шухрат» медали билан тақдирландим. Бугун кўпчилик оиламизга ҳавас билан қарайди. Бунинг учун ҳамisha шукроналар айтаман. Дуоларимда юртимизга тинчлик-осойишталик, файзу барак, олиб борилаётган эзгу ишларга ривож тилайман.

Шоди ХУШБОҚОВ, «Шухрат» медали соҳибни. Ангор тумани

Ҳеч бир инсон фарзанд доғини кўрмасин экан... Қизим Нигина Содиқова иккинчи фарзандини дунёга келтирганидан сўнг оғир хасталикка чалиниб қолди. Бормаган жойимиз, учрашмаган шифокоримиз қолмади ҳисоб. Аммо бўлмади...

Миннатдорлик

Ўтган йили август ойида жигаргўшам, жондан азиз фарзандим бу ёруғ дунёни тарк этди. Бундай оғир дамлар отананинг бағрини эзиб юбораркан. Айниқса, икки нафар қизи — Раъноҳон ва Асалхонга қараганимда, кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетаверди. Кўнглини олай, далда бўлай, деб мингта суз айтинг, барбир онасининг ўрнини босолмас экансиз. Бу мусибатда бардош бериш, очиги, осон бўлмади.

Уша қуналари, анкироғи, 2017 йилнинг 18 августида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бекобод шаҳрига ташриф қилиши кўзимнинг дафн маросими бўлаётган эди. Оиламиздаги ҳолат ҳақида Юртбошимиз эшитиб-

Бизга катта далда бўлди...

дилар. 5-мактабгача таълим муассасасига борганларидан сўнг, тўғри бизнинг хонадонимизга келди. Таъзия билдириб, «Синглим, бошингизга тушган бундай мусибатдан мен ҳам афсусдаман. Дардингизга шерикман. Меннинг чўқур ҳамдардлимни қабул қилгайсиз. Президент сифатида Сизнинг онасиз қолган икки нафар гўдагингизга янги қурилган уч хонали уй мендан совға бўлсин. Набираларингизнинг, илоҳим, бахту камолини кўриб юринг», дедилар.

Аслида, хол-аҳвол сўраганларининг ўзиёқ катта мадад, малҳам бўлди. Мусибатимизни юракдан ҳис қилиб, невараларимнинг эртасини ўйлаб, кўрсатган гаумўриқларидан кўнглимиз кўтарилди.

Кўп ўтмай унинг қалити қўлимизга тегибди. Тегишли мутасаддилар саъй-ҳаракати билан қизимдан ёдгор бўлиб қолган мурғак набираларим оли ёшли Раъноҳон ва икки ёшли Асалхоннинг номига ушбу хонадон расмийлашти-



рилди. Улар каттароқ бўлиб, ақлини таниганда, албатта, бу гаумўриқни теранроқ тушунишди.

Президентимизнинг халқпарвар инсон эканлигини чин дилдан ҳис этдим, кўрдим, билдим. Бундай юксак қалб соҳибига оиламиз номидан чексиз миннатдорлик билдираимиз. Одамларни рози қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларига Яратганнинг ўзи ҳамisha мададор бўлсин!

Насиба СОДИҚОВА, Бекобод шаҳри, Ўзбекистон маҳалласи.

Чегаралар очик — бағримиз очик

Ҳаётингиздаги энг қувончли воқеа қайси, деб сўрашса, ҳеч иккиланмай, шу йилнинг 27 сентябрини тилга олган бўлардим. Чунки айни шу кунни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон раҳбари Эмомали Раҳмон ҳамроҳлигида деҳқон хўжалигимизга ташриф буюрди.

Ўзбекистон раҳбарига фаолиятимиз ҳақида гапириб бердим. Хўжалигимиз майдони 500 гектар эканлиги, бу ерда «Хусайни», «Ризамат», «Каттакўрғон», «Келин бармоқ» каби бағрини эзиб навларни етиштирилиши, ҳосилнинг 70 — 80 фоизи экспорт қилиниши айтидим.

Асли олтириқликимиз. Ота юртим — Ўзбекистон. Шавкат Мирзиёевнинг жуда олижаноб инсон эканлигига яна бир бор тани бердим. У киши менга «Capliva» автомобили қалитини топширди.

Уша дамдаги ҳолатимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Ўзбекистон раҳбарининг сиёсати ниҳоятда оқилона. Бундан биз, Тожикистонда яшаётган ўзбеклар ҳам ҳис этиб турибмиз. Энди дўстлигимиз тобора мустаҳкамланиб бораверади. Энди чегаралар очик. Бағримиз очик.

Камол ҳожи МАДУМАРОВ, Турсунзода туманидаги «Бори Сомон» деҳқон хўжалиги раҳбари.

Энди энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўзимизда ҳам бажарилади

Яқин-яқингача Ўзбекистондан тузалиб кетишига кўзи етмай чет элга борадиган юртдошларимиз сони кўп эди. Улар энг арзон юрак операцияси учун, масалан, Хиндистон ёки Германияда йўлқира ва бошқа харажатларни қўшиб ҳисоблаганда 10 мингдан 30 минг АҚШ долларига, баъзан ундан ҳам кўпроқ маблағ сарфлашига тўғри келарди.

Тиббиёт

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган дастлабки кунларданок тиббиётга алоҳида эътибор қаратди. Шифоконларга борди, шароитларни ўз кўзи билан кўрди, даволанаётган одамлар билан суҳбатлашди, қайта-қайта йиғилишлар ўтказди... Соҳада тўпланиб қолган муаммоларни очик-ойдин айтди, уларнинг ечими бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилиб, ижросини қатъий талаб этди. Қадрлар муаммосини ўртага ташлади. Хорижда ишлаб юрган мутахассисларни Ватанга қайтишга тақлиф қилди.

Мен ҳам 12 йил Россиянинг А. Н. Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги марказида ишладим. Юрт раҳбарининг бу қадар куйиниб,

соҳани ўнглаш учун шунчалик қатъият билан ҳаракат қилаётганини кўриб, 2017 йилда Ўзбекистонга қайтишга қарор қилдим. Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида фаолиятимни давом эттира бошладим.

Ҳозир юрак жарроҳлиги амалиётларини ўзимиз энг замонавий усул ва асқуналар ёрдамида ўн баробар арзон нархлар (1000 — 3000 АҚШ долларига)да сифатли амалга оширяймиз. Чунки юқори технологиялар, асосий дори-дармонлар, тиббий буюмлар давлат ҳисобидан қопланса, беморлар фақат даволаниш қунари, лаборатор-инструментал текширувлар

учун пул тўлайди. Тузалиб, оёққа туриб кетиш даражаси ҳам жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беради. Қарийб 100 фоиз!



Рустам ЯРБЕКОВ, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази кардиолог-жарроҳи.

Муносабат 136 НАФАР ШАХС АФВ ЭТИЛДИ

Бу шунча оилада қувонч, хурсандчилик деганидир.

Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллиги байрами арафасида Президентимиз томонидан имзоланган «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнглидан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармон асосида 136 нафар маҳкум афв қилинди. Албатта, бу нафақат афв этилганларнинг ўзи, оила аъзолари, балки юртдошларимиз томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди.

Қайрат КОМЕКБАЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри:

— Давлат чегарасидан ноқонуний тарзда ўтиб, катта хатога йўл қўйдим. Қилмишимга яраша жазо олиб, оиламдан, яқинларимдан узоқда кун санашга тўғри келди. Шукрки, у кунлар ортида қолди.

Халқимизнинг, Юртбошимизнинг бағрикенглиги,

Мамадали ТУРҲУНОВ, Жиззах вилояти, Арнасой тумани, «Бўстон» ҚФЙ раиси:

— Ҳаётимиздан тобора мустаҳкам жой эгаллаётган афв этиш принципи замирида қонунийлик ва адолат мужжасам. Ўз қилмишини чин кўнглидан тан олган, тузалиш йўлига кирган, қалбида Ватанга нисбатан меҳр уйғонган шахслар афв қилинмоқда.

Кишлоғимизда яшовчи, бировлар таъсирида таққиланган диний гуруҳга адашиб кириб қолганлар орасида Ислам Абдуллаев ҳам бор. Ушбу Фармон билан у ҳам афв этилиб, оиласи ба-

рига қайтди. Бундан эшитган Исламнинг оиласи, фарзандлари шунчалик хурсанд бўлдики, бундан сўз билан таърифлаш қийин.

Умуман, мазкур ҳужжат кўлаб қалбларга илқикли, оилаларга қувонч олиб кирди. Эндilikда афв қилинганларга қумаклашиш, уларнинг ҳаётида ўз ўрнини топишларига ёрдамлашиш асосий вазифаларимиздандир.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Кўрилган масалалар инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган

Бугун Тошкентда Олий Мажлис Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди.

Кун тартибидан мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти, унинг дунё давлатлари билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ янги қонун ҳужжатлари, шунингдек, 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сисъатининг асосий йўналишлари муҳокамаи ўрин олган.

Кеча кун давомида Сенат кўмиталарининг мажлислари бўлиб ўтди. Уларда кун тартибидagi масалалар кўриб чиқилди.

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади

2019 йилги Бюджетнома: нималар ўзгаради?

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси мажлисида таъкидланганидек, мамлакатимизнинг келгуси йилга мўлжалланган энг муҳим молиявий ҳужжати Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сисъатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги Фармонида кўзда тутилган ўзгаришлар асосида ишлаб чиқилган.

Солиқ тизимига киритилаётган ўзгаришлар, аввало, мамлакатда макроеқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётга солиқ юкни камайтириш, Давлат бюджетининг ишончилигини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, солиққа тортишнинг умумий тизими бўйича тўловларни амалга оширатган ҳужжат юритувчи субъектлар ўртасида солиқ юки борасидаги номуносиваб барбараф этилади.

Спорт соҳасидаги ҳолат ўрганилди, аён бўлдики...

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси мажлисида эса "Ёшларга оид давлат сисъати тўғрисида"ги Қонуннинг Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ижроси юзасидан ўтказилган ўзгаришлар натижалари таҳлил қилинди.

Жорий йилнинг ноябрь ойига қадар туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида 84 мингдан зиёд спорт мусобақалари ташкил этилган. Улар орқали миллий тарма жамоалар таркибига қўллаб-қўллагичлик қилинган спортчилар саралаб олинган.

Ўрганишларда соҳага оид бир қатор камчиликлар ҳам аниқланган. Хусусан, спорт йўналишидаги таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлашда сусткашлик йўл қўйилган. Масалан, республикадаги 15 та ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб интернатини

кейинги икки йилда жами 3216 нафар спортчи таъминланган. Улардан 1984 нафари иш билан таъминланган, 785 нафари тарбияланган олий таълим муассасаларида, 95 нафари хориждаги олий таълим муассасаларида ўқини давом эттиратган бўлса, 256 нафари иш ёки ўқини билан қамраб олинмаган.

Вазирлик томонидан аҳолини оммавий спортга жалб этиш, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғуллантириш ишлари етарли даражада йўлга қўйилмаган. Дарсдан бўш вақтларида таълим муассасаларидаги спорт объектларидан барча ёшдаги одамларнинг фойдаланиши ташкил этилмаган.

Жойлардаги бўш турган хусусий объектлар негизда аҳолини оммавий спортга жалб қилиш учун имтиёзли хизмат кўрсатувчи спорт марказларини ташкил этиш, таълим муассасаларидаги спорт залларида ҳамда бўш турган объектларда спорт секцияларини очиб бўйича ташкилий чора-тадбирларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Мажлисда ўрганиш давомида аниқланган камчиликларнинг сабаблари атрафлиқа таҳлил қилиниб, уларни барбараф этиш юзасидан фикр-мулоҳаза ва тавсиялар билдирилди.

Рақамлар сенаторларни қаноатлантирмади

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси мажлиси доирасида "Автомобиль йўлларида йўловчилар хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари: амалиёт ва истибқоқдаги вазифалар" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Ўтган йиллар давомида автомобиль йўлларида йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш тизими тубдан қайта қўриб чиқилиб, ушбу йўналишда Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат кўмитаси, "Узавтотранс" агентлиги ҳамда бошқа тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор амалий ишлар қилинган.

Биргаликда олиб борилган тизимли ва изчил сисъат натижасида 2018 йилнинг 9 ойи давомида 2017 йилнинг шу давридагига нисбатан республика ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари 9,7 фоиз, уларда ҳалок бўлганлар сони 7,8 фоиз, жароҳатланганлар сони 12,2 фоиз камайган.

Бироқ эришилган натижалардан қониқиб бўлмайди. Бу йўналишдаги фаолиятни кучайтириш мақсадида ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан жойларда 2018 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси ва соҳага алоқадор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ўрганилди. Бу жараёнда, айниқса, автотранспорт воситаларининг техник ҳолатига аҳамият берилди. Аниқланишича, 2017 йил ва жорий йилнинг 9 ойида жами 700 мингга яқин автотранспорт воситалари мажбурий техник текширидан ўтмаган. Ваҳоланки, йўлда руй берган, бир қарашда арзимасдек туолган ҳолатларда ҳудудий таъмирчилик олиб қилиниши мумкинлиги барчага маълум.

Тадбирда автоулов эгалари ва ҳайдовчиларнинг мазкур масала юзасидан масъулиятини ошириш, зарур бўлса, тегишли қондаларга ўзгариш киритиш лозимлиги айтилди.

Анжуманда ҳайдовчилар томонидан белгиланган тезликни ошириш, маст ҳолда автотранспорт воситасини бошқариш каби қондабузарликларнинг кўпайиши оқибатида Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Андижон вилоятларида ноҳус воқеалар кўпайгани қайд этилди. Ўз навбатида, республикаимиз ҳудудида транспорт воситаларининг ҳаракатини назорат қилишнинг самарадорлигини ошириш, айниқса, умумий фойдаланиладиган халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятага эга автомобиль йўлларида хизмат ўтаётган ходимларнинг масъулиятини янада кучайтириш зарурлиги билдирилди.

Кўриб чиқилган барча масала бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Бош вазир ўринбосарига парламент сўрови юборилди

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси мажлисида имконияти чекланган ёшларнинг таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Сўнги икки йил мобайнида Ҳукуматнинг эҳтиёжман инсонларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган қатор қарорлари қабул қилинди. Олий таъ-

лим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилиш тартиби ишлаб чиқилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Бироқ олиб борилаётган ижобий ишларга қарамай, мамлакатимиз таълим соҳасида ушбу йўналишда қатор камчилик ва муаммолар ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Хусусан, республика бўйича 9628 та умумтаълим мактабида тахсил олаётган имконияти чекланган ўқувчилар тўғрисида статистик маълумотлар Халқ таълими вазирлиги томонидан юритилмапти. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларнинг ногиронлиги турлари ва гуруҳидан келиб чиқиб, таълим бериш усуллари жорий этиш ҳамда такомиллаштириш имкониятини чекламоқда.

Мақтабга катнай олмайдиган имконияти чекланган болаларнинг уй шароитида ўқитилишига давлатимиз томонидан алоҳида аҳамият берилаётган бўлса-да, жойлардаги мутасаддиларнинг эътиборсизлиги оқибатида бу шаклда билим бериш жараёни сифатли ташкил этилмапти. Ўқитувчиларга белгиланган тартибда қўшимча ҳақ ва йўл ҳақи компенсацияси тўланса-да, ногиронлиги бор болаларнинг уйга бориб дам ҳам дарс ўқимапти.

Қолаверса, уйда яқин тартибда таълим олувчи ўқувчиларни зарур ўқув қуроллари билан таъминлаш ишлари йўлга қўйилмаган. Уларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кирганиги тўғрисида статистик ва таҳлилий маълумотлар юритилмаслиги уйдаги таълимнинг сифат даражасини аниқлаш имконини бермапти.

Шунингдек, мажлисда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳамда халқ таълими вазирлиги ўринбосарининг муҳокама этилаётган масала юзасидан ахбороти эшитилди.

Мажлис яқини бўйича муҳокама этилган масала юзасидан Бош вазир ўринбосари А. Абдухакимовга парламент сўровини юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси, Аграр, сув ҳужалиги масалалари ва экология кўмитаси, Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасининг йиғилишларида кун тартибига доир масалалар кўриб чиқилди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мунисон ҚАРИМОВА.

ИККИ ЭЛНИНГ СУЮКЛИ ФАРЗАНДИ

Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги кенг нишонланмоқда

Чингиз Айтматов Ўзбекистонда кўп мартаба ўнрашувларда бўлган, — дейди Ўзбекистон киргиз миллий маданият маркази раиси Раҳматилла Жабборов. — Жумладан, 1998 йил 10 апрель кун юртимизда ўтказилган Қирғизистон маданияти кунлари доирасида делегация таркибиде ташриф буюрган эди. Турли миллат ва элат вакиллари, ёзувчилар ҳамда ОАВ билан бўлган учрашувда сўзга чиқиб, Ўзбекистонда турли миллатларнинг дўст ва иноқ яшаётганини алоҳида эътироф этган, тинчлик ҳамда тотулик, ҳамжиҳатликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни бутун дунёга кўз-кўз қилса арзийди, деганди. Бугунги кунда буюк адибга Президентимиз ва халқимиз томонидан кўрсатилаётган катта ҳурмат-эҳтиром ўзбек — киргиз халқларини янада жипслаштиришга, ўзаро дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Адиб ёдгорлиги пойга гул қўйилиб, буюк сиймо хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Хотинқизлар кўмитаси раиси Т. Нарбаева иштирок этди.

Адибнинг дилларни дилларга боғловчи олтин кўприк, миллати, тили, динидан қатъи назар, ўқувчи тафаккурини



чарловчи, онгу қалбига эзгулик уруғини экувчи сеҳрли кудир. Шу боис ана шундай катта бойлиқни тўхта қилган ҳар бир ижодкорга у ўзга халқ фарзанди бўлса-да, алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатамиз, асарларини севиб мутула қиламиз.

Киргизистон халқ ёзувчиси Чингиз Айтматов ҳам жаҳон адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган. Унинг қисса ва романлари қаҳрамонлари халқимиз учун қадрли, яқин бўлиб кетган. Адибнинг нафақат киргиз эли, айнаи пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймога айланганини боис шунда.

Президентимизнинг 2018 йилнинг 2 апрелдаги "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори улуг адибга халқимизнинг яна бир эҳтирими ифодаси бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ, ёзувчи ҳақида хотира китоблари, эсдаликлар chop қилинмоқда. Адиб ҳаёти ҳамда ижодий фаолияти тўғрисида ҳужжатли фильм суратга олинди. Асарлари янгидан саҳналаштирилмоқда, хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахтимиздаги марказий кўчалардан бирига номи берилиб, у ерда барельеф, Паркент туманидаги таълим киргиз тилида олиб бориладиган 33-умумтаълим мактаби ҳовлисига бюсти ўрна-тилди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида илмий кон-

ги ҳамкорлик алоқаларимизни янада кенгайтиришга интиламиз.

Тадбирда адиб асарларидан саҳна кўринишлари намойиш этилди.

— Чингиз Айтматов асарлари театр аҳли учун ҳам юксак илҳом манбаидир, — дейди Ўзбекистон театр арбоблари уюмаси раиси, Ўзбекистон халқ артисти Екуб Аҳмедов. — Унинг асарлари асосида мамлакатимиз театр саҳналарида ўнлаб спектакллар қўйилган. Турли миллий ва халқаро танловларда қатнашиб, юқори даражада эътироф этилган. Жумладан, Ўзбек Миллий академик драма театри ижодкорлари томонидан саҳналаштирилган "Жамийла", Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик музыка-ли театри жамоаси "Соҳил бўйлаб чоп-паётган олапар" асари асосида саҳналаштирилган "Ўлув ўрдаги" спектакллари қўллаб-қувватлашга алоҳида на-моийш қилиниб, мухлислар қалбидан жой олган.

"Икки элнинг суюкли фарзанди" ҳужжатли фильми намойиш қилинди. Саъяткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларга кўп-ринки қайфият улашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Х. Султонов сўзга чиқди.

Дилшод ҚАРИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Муҳаммад АМИН, Темур МАМАДАМОНОВ (ў.а.) олган суратлар.

«Пенсионерларга нафақанинг тўлиқ тўланиши барчани беҳад қувонтирди»

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқиде аҳолининг қафолатланган муҳим ижтимоий ҳуқуқлари билан бирга, 2019 йилдан эътиборан пенсия тўловининг юқори чегараси энг ҳам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробарига оширилиши ҳамда ишлаётган пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланишини таъкидлади. Бундан барча ҳамюртларимиз, айниқса, пенсионерлар беҳад хурсанд бўлишди.

Кўйидаги дил сўзларидан ҳам бунга англаш мумкин.

Фамхўрлик

Гулчехра МАВЛОНОВА, Тўрақўрғон туманидаги 37-умумтаълим мактаби ўқитувчиси: — Ҳар йили ушбу байрам арафасида Юртбошимиздан биз, нурунийлар кўнглига хуш ёқадиган бир қанча янгиликларни эшитиб, бошимиз осмонга етади. Бу йил ҳам худди шундай бўлди. Президентимизнинг нутқини жуда катта ҳаёжон билан тингладик.

Айниқса, ишлаётган пенсионерларга келаси йилдан нафақанинг тўлиқ тўланиши кўпчилик дилдаги гап бўлди. Бу ишлаётган ёши улуг инсонларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги мақоми мустаҳкамлаш борасидаги жайрили тадбирларнинг манқий давоми сифатида ҳар биримизга куч-қувват, ғайрат бағишлади.

Бошқа жиҳати, соҳада узок йил ишлаб нафақага чиққан ва ҳозирги кунда ёшларга уст-тоз бўлиб, улар билан баравар меҳнат қилаётган инсонлар билим ва тажрибасидан фойдаланиш фақатгина наф келтиради.



Замира МАМАТҚУЛОВА, Ҳузур туманидаги "Ҳузур ҳаёти" газетаси бўлим бошлиғи:

— Президентимиз маърузасидаги пенсия таъминоти энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолиши ҳақидаги фикрларини эшитиб, ин-чинимдан қувондим. Биласизми, пенсионер сифатида 2019 йилдан нафақалар тўлиқ берилиши ҳисобига даромадимиз ошгани учун эмас, балки минглаб пенсионерларнинг ижтимоий адолатли ҳимоя қилиниши қафолатлангани учун севиным.

Ўзи ким ижтимоий ҳимояга кўпроқ муҳтож бўлади? Албатта, пенсионер. Лекин пенсиянинг 50 фоизи қисқартирилиши ижтимоий адолат принципида соғ солиб турган эди.

Ҳозир ҳам газетамда фаолият юритиб келяман. Нафақамнинг ярмини оламан. Хизмат тақозоси билан қўллаб одамлар, нафақадagi қариялар билан суҳбатлашамиз. Ҳозир уларнинг барчаси қўлларини очиб, Юртбошимизни дуо қилишмоқда. Сабаби халқимиз учун мана шундай адолатли қарорлар қабул қилинапти. Мен ҳам шулар қаторида эканимдан бугун ҳар қачонгидан-да хурсандман.

«Халқ сўзи» муҳбирлари ёзиб олди.

Биз ва жаҳон

АҚШ Ўзбекистонда дин эркинлиги соҳасидаги юксалишни расман тан олди

Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонаси маълумотига кўра, 2018 йилнинг 11 декабрь кунини АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео ўз қарори билан Ўзбекистонда дин эркинлигини таъминлаш йўлида салмоқли натижаларга эришилганини эътироф этган ҳолда, мамлакатимизни "алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар" (CPC) рўйхатидан чиқарди.

Мазкур қарор қутулган ва ундан ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки Ўзбекистонда ҳаётнинг барча жаҳасига дахлдор туб ислохотлар ҳамда ўзгаришлар билан боғлиқ тарихий босқич юз беряпти. Америкалик ва бошқа ҳамкорлар Ҳаракатлар стратегиясининг хавфсизлик, миллатларга тотулик ҳамда диний бағрикенгликни таъминлаш, чўқур ўшланган, ўзаро манфаатли ва амалий рўхдаги таълим сисъат юритишга қаратилган бешинчи устувор йўналишни рўйбга чиқариш бўйича қўлга киритилаётган натижаларга бир неча бор ишонч ҳосил қилишди.

АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистоннинг мазкур соҳадаги ютуқлари диний эркинлигини илгари суриш бўйича ўтказилган вазирликлар конференциясида илк бор эътироф этилган эди. Унда Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги бошчилигидаги делегация ҳам қатнашган.

Вашингтондаги дипломатик миссиямиз томонидан қайд этилганидек, АҚШнинг халқаро диний эркинликлар соҳасидаги махсус топшириқлар бўйича элчиси Самуэл Браунбэк бошчилигидаги АҚШ делегацияси жорий йил сентябрь ойида Ўзбекистонга қўлга ташрифи чоғида диний эркинликни таъминлаш, амалдаги нормаларни такомиллаштириш ва соддалаштириш, радикализмга қарши курашиш бўйича ёндашувлар ишлаб чиқиш, диний жиноятлар учун қамалган минглаб шахсларни исми қўрилмаган даражада афв этиш, қолаверса, маърифатли исломни илгари суриш борасидаги институционал механизмларни яратиш бўйича амалий чора-тадбирларга бевосита гувоҳ бўлди.

Америка ташқи сисъат идорасининг мазкур қарори Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигини нишонлаш пайтига тўғри келганида чўқур рамзий маъно бор. Зеро, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Конституция кўнига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, инсон қадр-қимматини эътирозлаш биз учун ўтган икки йил давомида энг устувор вазифага айланди.

Ўз аҳамияти бўйича Ўзбекистон тарихида мутлақо янги воқеалик — минглаб маҳкумларнинг афв этилиши бунинг тасдиғидир. Ўшанда давлатимиз раҳбари биринчи марта ўзининг конституциявий ваколатидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан озодликдан маҳрум этилган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисидаги Фармонини қабул қилди. Ўтган икки йилда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан бир пайтлар диний экстремистик гуруҳларга алоқаси бор, деб назоратга олинган 20 мингдан зиёд фуқаролар "махсус ҳисоблар" дан чиқарилди.

Юқорида айтиб ўтилган муваффақиятлар 11 декабрь кунини Давлат департаменти қарори эълон қилиниши муносабати билан сенатор Рокер Уилкер раислигида ўтказилган Хельсинки комиссияси эшитишувига ҳам баён этилди.

Рокер Уилкер эшитишувни очиб экан, шундай дея алоҳида қайд этди: "Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон рўйхатидан ўзининг халқаро мажбуриятларини бажаришга интиляган ва зарур ислохотларни олиб бориш учун сезиларли чора-тадбирлар қабул қилаётган ягона давлатга айланди".

"Ўзбекистон АҚШнинг янада кучли ҳамкори бўлиши мумкин ва бизнинг мақсад — мамлакатнинг иқтисодиётига гуллаб-яшнашига кўмак беришдан иборат. У минтақа ва унинг ташқарисида тараққиёт моделига айланган", дея айтиди сенатор. У ана шуну қўшимча қилди: "Ўзбекистон ҳукумати келгусида ҳам ислохотларни амалга оширишга қатъий содиқдир ва Конгресс умумий мақсадларни қўлга киритиш учун барча манфаатдор томонлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишда давом этади".

Ўз маърузаси билан иштирок этган элчи Самуэл Браунбэк ҳам таъкидлаганидек, "Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти, ҳақиқатан ҳам, янги-янгилар жараянига содиқдир ҳамда мамлакатда нафақат дин эркинлиги, балки мажбурий меҳнат ва умуман, инсон ҳуқуқлари соҳасида салмоқли ўсишга эришилган".

Элчи республикада БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузаси Аҳмад Шаҳид тавсияларини амалга ошириш мақсадида "йўл харитаси" қабул қилинган, минглаб маҳкумларнинг афв этилиши ва "қора рўйхатлар" дан чиқарилиши, ўнга яқин диний ташкилотларнинг рўйхатдан ўтказилиши ҳамда тегишли тартиб-таомилларнинг соддалаштирилишини сезиларли натижалар қаторига киритган.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси томонидан хабар берилишича, эшитув чоғида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотлар билан ўзаро муваффақиятли ҳамкорлик жараёни, шунингдек, Ўзбекистон ўз зиммасига олган ҳуқуқий мажбуриятларини амалга ошириш йўлида қабул қилинаётган чора-тадбирлар, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг диний хавфсизлик, диний бағрикенглик ва ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муҳим ташаббуслари борасида Ўзбекистон томонидан кўрсатилаётган исми қўрилмаган фаоллик алоҳида белгилаб қўйилди.

"Ўзбекистоннинг алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар рўйхатидан чиқарилиши ўз вақтида қилинган ва тўғри қарордир. Бу Ўзбекистондаги салмоқли юксалиш натижасидир. АҚШ Давлат департаменти Диний эркинлик бўйича офисининг 20 йиллик фаолияти тарихида иккита мамлакат мана шундай рўйхатдан чиқарилган: Вьетнам ва Ўзбекистон", дея АҚШ Давлат департаменти қарорига муносабат билдириди Глобал ҳамкорлик институти раҳбари Крис Сайпл.

Крис Сайпл элчи Самуэл Браунбэк делегацияси таркибиде шу йил қуада Ўзбекистонга ташриф буюрганида. Ўшанда Глобал ҳамкорлик институти Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан Ўзбекистонда дин эркинлигини илгари суриш бўйича махсус ишчи гуруҳи тизмига доир Меморандум имзолаган эди.

С. МАХСУМОВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ

МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ

«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Бухоро вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 260/2018-06-сонли шартномага асосан, <https://www.e-auksion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 15 январда** ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Бухоро вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари кўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«УАЗ - 31514»	1996 й.	80/961 NAA	0031928
2.	«УАЗ - 31514»	1996 й.	80/963 NAA	0031930
3.	«УАЗ - 31514»	1997 й.	80/962 NAA	0031931
4.	«УАЗ - 31514»	1997 й.	80/824 JAA	0031932
5.	«DAEWOO NEXIA»	1997 й.	80/979 JAA	0031936
6.	«DAMAS»	2001 й.	80/784 JAA	0031929
7.	«УАЗ - 3909»	2001 й.	80/966 JAA	0031935
8.	«DAEWOO NEXIA»	2001 й.	80/403 JAA	0031937
9.	«УАЗ - 31514»	2001 й.	80/826 JAA	0031933
10.	«УАЗ - 31514»	2001 й.	80/843 JAA	0031934
11.	«ГАЗ - 31029»	1995 й.	80/839 JAA	0031940
12.	«УАЗ - 31512»	1993 й.	80/841 JAA	0031938
13.	«УАЗ - 31512»	1996 й.	80/763 JAA	0031939

Автотранспортлар сақланаётган манзил:
Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 28/1-уй.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ

МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ

«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 267/2018-13-сонли шартномага асосан, <http://www.e-auksion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 10 январда** ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Қашқадарё вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари кўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«КамАЗ»	1984 й.	70 493 FAA	0030602
2.	«УАЗ 31514012»	1997 й.	70 096 GAA	0030571
3.	«УАЗ 31514»	1996 й.	70 908 ZAA	0030572
4.	«УАЗ 3151210»	1996 й.	70 131 GAA	0030586
5.	«УАЗ 3151210»	1996 й.	70 689 YAA	0030590
6.	«УАЗ 3151210»	1996 й.	70 112 GAA	0030592
7.	«УАЗ 31512»	1996 й.	70 116 GAA	0030594
8.	«УАЗ 3152»	1993 й.	70 108 GAA	0030596
9.	«УАЗ 31514012»	1997 й.	70 092 GAA	0030597
10.	«УАЗ 31512»	1993 й.	70 160 GAA	0030856
11.	«УАЗ 39099»	2001 й.	70 491 FAA	0030598
12.	«УАЗ 3151410»	1996 й.	70 145 GAA	0030599
13.	«NEXIA»	1996 й.	70 483 OAA	0030600
14.	«DAMAS»	1997 й.	70 136 GAA	0030601

Автотранспорт воситалари сақланаётган манзил:
Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ

«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Тошкент вилояти бошқармаси билан 2018 йил 26 ноябрда тузилган 255/2018-01-сонли шартномага асосан, <https://www.e-auksion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 11 январда** ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Тошкент вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари кўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«УАЗ 3151410»	1996 й.	01 112 TDA	0031366
2.	«УАЗ 31514»	1995 й.	01 126 TDA	0031613
3.	«УАЗ 31512»	1995 й.	01 227 DCA	0031367
4.	«NEXIA»	2007 й.	01 302 RAA	0031368
5.	«УАЗ 31514012»	1997 й.	01 729 ZAA	0031369
6.	«УАЗ 31514»	2001 й.	01 732 ZAA	0031370
7.	«УАЗ 31512-10»	1996 й.	01 734 ZAA	0031371
8.	«УАЗ 31514»	2001 й.	01 738 ZAA	0031372
9.	«NEXIA»	2006 й.	01 739 ZAA	0031373
10.	«NEXIA»	2001 й.	01 760 ZAA	0031374
11.	«УАЗ 3909»	2001 й.	01 825 ZAA	0031375
12.	«УАЗ 3909»	2001 й.	01 826 ZAA	0031376
13.	«УАЗ 31512»	1990 й.	01 829 ZAA	0031377
14.	«УАЗ 31514»	2001 й.	01 835 ZAA	0031378
15.	«УАЗ 31512-10»	1996 й.	01 836 ZAA	0031379
16.	«УАЗ 31514»	2001 й.	01 850 ZAA	0031380
17.	«УАЗ 315142017»	2003 й.	01 854 ZAA	0031381
18.	«УАЗ 31514-10»	1996 й.	01 859 ZAA	0031382
19.	«УАЗ 31514»	1996 й.	01 861 ZAA	0031383
20.	«УАЗ 31514-10»	1996 й.	01 863 ZAA	0031384
21.	«УАЗ 315142017»	2003 й.	01 891 ZAA	0031385
22.	«NEXIA»	1996 й.	01 893 ZAA	0031386
23.	«УАЗ 3962»	1995 й.	01 894 ZAA	0031387
24.	«УАЗ 31512»	1992 й.	01 912 ZAA	0031388
25.	«УАЗ 31514»	1997 й.	01 917 ZAA	0031389
26.	«NEXIA»	1997 й.	01 918 ZAA	0031390
27.	«УАЗ 31514-012»	1997 й.	01 923 ZAA	0031391
28.	«УАЗ 3962»	1995 й.	01 926 ZAA	0031392
29.	«УАЗ 31512»	1993 й.	01 971 VCA	0031393

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 1-«А» уй.

Талабгорлар диққатига!
Аукцион савдосида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.



ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
«Асака» банки

қуйидаги миллий валютадаги муддатли
янги омонат турини таклиф этади:

«МАНФААТЛИ»

Омонатга фоизлар қуйидагича ҳисобланади:
12 ой сақланса — 16 фоиз (йиллик);
13 ой сақланса — 17 фоиз (йиллик);
18 ой сақланса — 18 фоиз (йиллик).

Ҳисобланган фоизларни омонатчи ўз истагига кўра,
амалда сақланган муддат учун олиши мумкин.

«Асака» банки, шу билан биргаликда, миллий ва хорижий валюталарда
38 турдаги муддатли омонатларни қулай шартларда таклиф қилади.

Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 78-120-82-37, 78-120-82-65, 78-120-82-98.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	78	120-83-13	Наманган вилояти филиали	69	227-15-68
«Автотранспорт» филиали	78	120-39-95	Навоий вилояти филиали	36	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	78	140-39-36	Зарафшон филиали	36	572-40-14
Юнусобод филиали	78	150-93-86	Бухоро вилояти филиали	65	770-05-19
Сергели филиали	71	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	65	770-11-27
Тошкент вилояти филиали	78	120-84-13	Самарқанд вилояти филиали	66	233-65-47
Андижон вилояти филиали	74	223-60-74	«Афросиёб» филиали	66	221-71-76
Асака филиали	74	233-21-99	Қашқадарё вилояти филиали	75	221-07-41
«Фарҳод» филиали	74	226-96-63	Сурхондарё вилояти филиали	76	770-82-12
Фарғона вилояти филиали	73	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	61	770-60-59
Марғилон филиали	73	237-62-23	Хоразм вилояти филиали	62	228-14-81
Олтириқ филиали	73	432-19-80	Сирдарё вилояти филиали	67	225-44-03
Қўқон филиали	73	542-61-01	Жиззах вилояти филиали	72	226-43-11

Омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини
кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

- Сизнинг омонатларингиз:
- декларация қилинмайди;
 - солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
 - маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
 - эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
 - миқдори чекланмаган.

«Асака» банки сармомянгизнинг сақланиши
ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Фарғона давлат университети ректори Рашид Мақеудова онаси НАЗИРА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.	Тошкент Молия институти ректорати ва касаб уюшмаси институтининг Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси доценти Эрмат Тошпўлатович Қодировва онаси Очил она РҶЗИЕВ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.	«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетлари таҳририяти жамоаси таҳририй ходими Ҳабиба Имомназарова онаси УЛҒАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
--	---	--

AMKODOR **САЛЕО** **AMKODOR - СЕМАШ**

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар санчкили юклагичлар

Европа сифатидаги техник ва жиҳозлар
Ўзбекистонда

галлани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар гидравлика

Маҳсулот сертифициланган.

Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17, Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 917 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатга маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқили сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган кўлабмақал таъриф қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг статизб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфия маҳдудан сифатида чоп этилиши «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Набатчи — Д. Каримов,
Муеаххон — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 00.20 Топширилди — 02.30 1 2 3 4 5 6